Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
23-iyul
payshanba

№ 25 (4463)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

COVID-19

## КУЧАЙТИРИЛГАН КАРАНТИН ШАРОИТИДА






**Мамлакатимизда эпидемиологик вазият кескинлашгани сабабли Республика махсус комиссияси қарорига кўра, 10 июлдан 1 августгача карантин чоралари кучайтирилди. Хусусан, Тошкент шаҳрини республикамизнинг барча вилоятлари билан боғлайдиган йўллардаги ЙПХ масканлари ва вақтинчалик тўсиқ постларида қатъий режим асосида иш ташкил қилинди.**

2

МУНОСАБАТ

## БЕПАРВО БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ



**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**сенатор.**

*Бу олам саҳнидаги ҳаёт синовлардан иборат. Ҳар бир инсон ана шу синовларни енгиб, ёруғ кунлар илинжи, орзу-ҳаваслар, эзгу мақсад-муддаолар рўёбини кутиб яшайди. Биз бунда энг қимматли қадрият бўлган сиҳат-саломатлигимизни асрашни унутмаслигимиз керак.*

12

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ

**Жиззах вилояти ИИБ Пробация бўлими ходимлари саъй-ҳаракати билан назорат остида турган меҳнатга лаёқатли барча шахсларни ишга жойлаштириш бўйича ишлар самарали олиб борилмоқда. Шунингдек, маҳкумларнинг суд томонидан белгиланган чеклов ва мажбуриятларга амал қилиши, ўзини тутиши, яқинлари билан муносабати доимий назорат остида.**

## ЖИНОЯТЛАР ҚАЙТА СОДИР ЭТИЛМАСЛИГИГА МАСЪУЛМИЗ



9

ҲАФТА ҚАҲРАМОНЛАРИ

**Жорий йилнинг 20 июль куни соат 18:00 ларда Қўштепа туманидаги «Сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида хизмат олиб борувчи профилактика инспектори, катта лейтенант Акбарали Турсунов ҳамкасби, лейтенант Асилбек Обидов билан бирга хизмат бурчини бажариб, автоуловда туман ички ишлар бўлимига келишаётган эди.**



Улар туманнинг Лангар маҳалласи ҳудудидан ўтишаётганда шу ердан оқиб ўтувчи Катта Фарғона канали ёқасида кутилмаган ҳолатга дуч келишди. Қирғоқда безовта ҳолатда турган бир аёл ўзини сувга ташлашга чоғланар, каналнинг нариги юзида турган бир-неча киши эса қичқириб, уни тўхтатишга уринишарди.

Профилактика инспекторлари автомашина рулини дарҳол ўша томонга буришди. Аммо улар етиб бориб машинадан тушгунича аёл ўзини каналга ташлаб юборди.

Катта лейтенант Акбарали Турсунов иккиланиб ўтирмай, дарҳол ўзини сувга отди. Лейтенант Асилбек Обидов ва улар билан хизматга жалб этилган Миллий гвардия қўриқлаш хизмати сафдор ходими Ҳасанбой Жўрабоев аёлни шиддатли оқимдан чиқариб олишда унга ёрдам беришди. Хуллас, аёлни қутқариб сувдан чиқариб олишди.

Маълум бўлишича, қутқариб олинган қиз мазкур туманда яшовчи К.Г. бўлиб, оиласидаги муаммолар, стрессли вазиятлар натижасида шундай йўл тутмоқчи бўлган экан.

К.Г. айни пайтда руҳий ҳолатини тиклаш учун Фарғона вилояти руҳий-асаб касалликлар шифохонасига даволаш учун ётқизилди.

Ҳа, орамизда инсон тақдирига бефарқ бўлмаган, касбига садоқатли, фидойи ходимлар кўп. Қаҳрамонларимизнинг хатти-ҳаракати бунинг исботидир.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Фарғона вилояти.*

COVID-19

# КУЧАЙТИРИЛГАН КАРАНТИН ШАРОИТИДА

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Бектемир туманида жойлашган «Шарқ» мунтазам йўл-патруль хизмати маскани пойтахтимизни Тошкент вилоятининг бир нечта туманлари ва водий вилоятлари билан боғлайди. Ҳозирги вақтда бу ерда Ички ишлар, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ходимлари туну кун хизмат ўтаяпти. Махсус комиссия томонидан рухсат этилган транспорт воситаларигина, кунниг белгиланган вақтида жиддий текширув асосида ўтказилмоқда. Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ходимлари пойтахтга кириб келаётган транспорт воситаларини дезинфекциялаш ишларини олиб боришмоқда.







– Махсус комиссиянинг қарори билан жорий йил 18–19 июль ҳамда 25–26 июль (шанба ва якшанба) кунлари республика миқёсида ҳаракатланиш, автотранспорт воситаларининг, шу жумладан, йўналишсиз таксиларнинг ҳаракати тўлиқ тўхтатилиши белгиланди, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ марказий диспетчерлик хизмати катта инспектори, майор Қаҳрамон Ҳамроқулов. – 18–19 июль кунлари автотранспорт ҳаракати кескин камайди. Бу фуқароларимиз карантин талабларини англаб етганидан далолат беради. Шунга қарамай, баъзи юртдошларимизнинг мавжуд қоидаларни четлаб ўтишга уринишлари ҳам учраб турибди. Тушунтириш ишлари олиб борилиб, улар ўз манзилларига қайтариб юборилмоқда. Шундан кейин ҳам ходимларнинг қонуний талабига бўйсунмасдан, яна постдан ўтишга ҳаракат қилинганда тегишли тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштирилмоқда.



ЙПХ масканида хизмат ўтаётган Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси 1-батальони ЙПХ инспекторлари – сержант Музаффар Шамшиев, кичик сержант Ботир Ниғмоновлар ҳам бошқа ҳамкасблари каби, зийракликни оширган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситасини текширувдан ўтказиб, ҳайдовчи ва йўловчиларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлмоқда.




Юқоричирчиқ туманидаги «Бардонкўл» вақтинчалик тўсиқ пости Бектемир – Чирчиқ – Бўстонлиқ йўналиши кесишмасида ўрнатилган. Бу ерда Тошкент вилояти ИИББ 1-минтақавий ҳудуди ЙПХ инспектори, сафдор Шаҳзод Ҳамидов, Миллий гвардия ходими, кичик сержант Йўлчибой Турдиалиев ва Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази дезинфекцияловчиси Зоҳида Омонова ўз вазифасига сидқидилдан ёндашган ҳолда, фаолият олиб боришмоқда.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Содиқ ҲАКИМОВ**
**олган суратлар.**

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

# ҚОИДАБУЗАР ҲАЙДОВЧИ ПОРА БЕРМОҚЧИ БЎЛДИ...

**Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш кенг кўламда давом этаётган бўлса-да, бу муаммо ҳамон долзарблигича қолмоқда. Баъзи раҳбарлар пора олмасдан туриб, ўзганинг муаммосини ҳал қилиб бермаганидек, айрим кимсалар ўз қилмишини яшириш мақсадида мансабдорларга пора таклиф қилишяпти. Афсуски, бундай ноxуш ҳолатлар ички ишлар органлари ходимларига нисбатан ҳам содир этилмоқда.**

Урганч туманида яшовчи С.Зафар танишига тегишли бўлган «Ласетти» русумли 90 S 870 LA давлат рақам белгили автомашинани Урганч шаҳридаги Улуғбек кўчасида хавфсизлик камарини тақмасдан бошқариб келаётганида вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант Руслан Норметов томонидан тўхтатилади. Инспектор ҳайдовчидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тақдим қилишни сўрайди. Тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган С.Зафар эса айбини тан олиш ўрнига, ходим билан «муроса» қилмоқчи бўлади. Ҳайдовчининг мақсадини англаган ЙПХ инспектори дарҳол маъмурий баённома расмийлаштиради, автоулов вақтинчалик жарима майдончасига қўйилади.



Кутилмаган бу ҳолатдан асабийлашган ҳайдовчи автомашинани жарима майдончасидан чиқариб олишни айнан катта сержант Руслан Норметов орқали амалга оширишни режалаштиради ва унга 350 минг сўм пора таклиф қилади. Аммо ЙПХ инспектори унга белгиланган жаримани тўлагач, автомашинани бемалол олиб чиқиб кетиши мумкинлигини, пора бериш жиноят эканлигини ётиғи билан тушунтиради. Қаранги, ҳаётдаги барча муаммолар пора эвазига осон ҳал бўлади, деб ўйлаган С.Зафар аҳдидан қайтмайди. Эртасига катта сержант Руслан Норметовни излаб топиб, уни пора олишга ундамоқчи бўлади.

Огоҳлантиришлар бесамар кетгач, ЙПХ инспектори қасамёдига содиқ қолиб, қоидабузар ҳайдовчининг «таклифи» ҳақида раҳбариятга мурожаат қилади. Ушбу мурожаат асосида тузилган тергов-тезкор гуруҳи ЙПХ инспекторига 350 000 сўм пора беришга уринган қоидабузар ҳайдовчини жиноят устида ашёвий далил билан қўлга олади.

Шу тариқа, давлат ва халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўювчи ички ишлар ходимининг фидойилиги, хизмат бурчига садоқати туфайли пора беришга уринган нопок кимсанинг қилмиши фош этилди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

«УСТОЗ-ШОГИРД» АНЪАНАСИ

# ЁШ ХОДИМЛАРГА ЙЎЛ-ЙЎРИҚ КЎРСАТИБ

**Устозлик – улуғ мақом. Унга муносиб бўлиш осон эмас. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари тизимида соҳа сирларини пухта ўзлаштирган энг тажрибали ходимларгина мураббийликка лозим кўрилади.**



Лекин соҳавий хизматларнинг барчасида ҳам устоз-шогирд анъанаси талаб даражасида, деб бўлмайди. Баъзи ҳолларда, устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар деганларидек, ёш ходим ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Шунинг учун бу анъанани рисоладагидек йўлга қўйишда, хизматга янги қабул қилинган шогирд ва унга бириктирилган, кўп йиллар давомида тажриба орттирган мураббийнинг ўзаро муносабати кўп нарсани ҳал этади.

Жойлардаги ички ишлар органларида эса бундай анъанани ўз ўрнида олиб бораётганлар ҳам бор, албатта. Бекобод шаҳар ИИБ ҲПБ бошлиғи, подполковник Отабек Тожибоев «Устоз-шогирд» анъанасини муносиб давом эттираётган ходимлардан бири ҳисобланади. У кўп йиллик хизмат фаолияти давомида бир қанча ёш ходимларга йўл-йўриқ кўрсатган, уларнинг хизматда тетапоя бўлишига ёрдам берган.

Отабек Тожибоев Бекобод шаҳар ИИБ ҲПБда иш бошлаганида, дастлаб майор Ота Ашуровдан, кейинчалик подполковник Низом Тошматовдан касб сирларини ўрганди. Йиллар ўтиб, устозлари пенсияга чиқди. Ўзи эса анъанани давом эттириб, кўплаб ёшларга устозлик қилди. Ана шундай ходимлардан бири шаҳар ИИБ ҲПБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи катта инспектори, лейтенант Жасур Бобоқуловдир.

Ж.Бобоқулов 1994 йилда Бекобод туманида таваллуд топган. 2010 йили тумандаги 6-мактабга ўқишга борганида, унга биринчи устози Қумринисо Акбаралиева қалам тутқазиб, ҳарф ёзишни ўргатди. Жасур мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ҳуқуқшунос бўлишни, ички ишлар органлари либосини кийишни орзу қилар эди. 2-Тошкент юридик коллежини 2013 йилда тамомлаган Жасур йигитлик бурчини адо этиб қайтгач, ИИВ Академиясига ҳужжат топширди. Курсантлар сафига қабул қилинган Жасурбек қунт билан билим олди. Таълим муассасасини тамомлаган лейтенант дастлаб Бўка туманидаги манзил колониясига хизматга қабул қилинди. Кейинчалик эса Бекобод шаҳар ИИБ ҲПБда хизмат фаолиятини давом эттирди.

– Устозим – подполковник Отабек Тожибоев ўз шогирдларига оталарча меҳрибонлик билан йўл-йўриқ кўрсатади, – дейди Жасур Бобоқулов. – Ҳар бир топшириқни сифатли ва мукаммал бажаришимизни талаб қилади. Ҳатто оилавий ва ҳаётий масалаларда у кишига суянамиз, бу борада ҳам ўз маслаҳатларини беришга эринмайди. Ана шу талабчанлиги ва қатъиятлилиги боис ҳам соҳа сирларини яхши ўзлаштириб, етарли кўникма ҳосил қилмоқдамиз. Бундан ташқари, ИИБ ҲПБдаги, биздан олдин ишга келган, тажрибали ҳамкасбларимиздан ҳам керакли йўл-йўриқларни олмоқдамиз. Келгусида устозим ва малакали ходимлардан ўрганганларимизни хизматда татбиқ этиб, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигига муносиб ҳисса қўшамиз.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Тошкент вилояти.*

ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА

# ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ВА ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**Ҳозирги кунда ИИВ таркибидаги ҳарбий тузилмалар қаторида Қоровул қўшинларида ҳам тубислоҳотлар узвий давом эттирилмоқда. Бунда ҳарбий қисмларнинг жанговар тайёргарлигини оширишга, шахсий таркибнинг хизмат шароитларини яхшилашга, маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Яқинда Наманган вилоятида жойлашган 7552-ҳарбий қисмда уч кун давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва ИИВ ЖИЭББ бўлинмалари билан ҳамкорликда батальон тактик махсус ўқув машқи ўтказилди. Ташкил этилган ушбу машқдан кўзланган асосий мақсад шахсий таркибнинг жанговар шайлигини оширишдан иборат эди. Қолаверса, машқ чоғида командирларни бошқарув, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қобилияти синовдан ўтди, назарий билимлари амалий жиҳатдан мустаҳкамланди. Тадбир иштирокчилари жанговар вазиятларда уюшқоқлик билан ҳаракат қила олишини, махсус жанговар вазифаларни ўз вақтида бажаришга қодирлигини исботлашди.

Маълумки, юртимизда карантин тадбирлари кучайтирилганлиги сабабли ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва яқин қариндошлари билан бевосита учрашишлари чекланган.

**Шу боис ИИВ Қоровул қўшинларининг Тошкент шаҳридаги 7534-ҳарбий қисмида муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва яқинлари билан оффлайн учрашув ташкил этилди.**

Дастлаб ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига фарзандлари қандай шароитда хизмат қилаётгани акс этган видеотасвирлар жўнатилди. Сўнг уларнинг ўғлонларига дил сўзлари мужассам бўлган видеомурожаатлари аскарларга намойиш этилди.

Ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, майор А.Шукуров ҳамда батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, майор Ш.Саидов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир аскарларнинг руҳини кўтариб, уларнинг юртига муҳаббатини, бурчига садоқатини янада кучайтирди. Энди бу тажрибани ИИВ Қоровул қўшинларининг бошқа ҳарбий қисмларига ҳам жорий этиш кўзда тутилмоқда.

**Арзибек ЕСЕМУРАТОВ,**
**катта лейтенант.**
**Ҳасан ҚОДИРОВ,**
**оддий аскар.**

МУНОСАБАТ



**Тожибар АЗИЗОВА.**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.**

# УЙДА қолинг, ўтиринг..!

Кўчаларда бемақсад юрган фуқаролар телеканаллар орқали кўрсатилмоқда. Тушунмайсан, шунча огоҳлантиришлар ким учун? Шунча жонкуярликлар кимнинг ҳаётини асраш учун? Ёки «бошга тушганни кўз кўради» нақлига кўр-кўрона амал қилишми бу? Қачон хулоса қилишни ўрганамиз? Ўзлари-ку майли, бу юришлари фарзандлари, ота-оналари ҳаётига хавф солишини ўйлашмайдими?

Ўзимизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўймайлик. Бугун бир даъват жарангламоқда: Уйда қолинг, уйда ўтиринг...!

Ҳар қандай вазиятда бир-биримизни ҳурмат қилайлик. Инсон нимани ният қилса, шунга эришади. Ахир аждодларимиз «Иллат излаганга иллатдир дунё» деб, бежиз айтмаган. Шу вазиятда ҳам тартибга риоя этмаслик жоҳиллик бўлади. Айрим қоидабузарлар ўзини гўё ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлаётган кишидек кўрсатмоқда. Ахир кўчада куну тун хизмат қилаётган Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия масъуллари Сизу бизнинг ҳаётимизни асраш учун бедор юришибди-ку! Карантин талабларига риоя этишнинг қанчалар зарурлигини ҳар куни, ҳар соатда шифокорлар, мутахассислар мунтазам равишда эслатмоқда-ку!

Мавжуд тартибларга итоат этган ҳолда, яхши кунлар ҳақида ўйлайлик. Насиб этса, бу кунлар ўтиб кетади. Барчамиз, бутун халқимизга Президентимиз бошчилигида бу оғир синов имтиҳонлардан соғ-саломат ўтиш насиб этсин!

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

# ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ШАРАФДИР





**Сувнинг оқишига қара, халқнинг хоҳишига, дейди кексаларимиз. Топиб айтилган гап. Негаки, халқнинг хоҳишини, кўнглидаги гапни билмай туриб, мақсадга эришмоқ душвор. Одамларнинг дарду ташвишларини англамасдан туриб, халқнинг турмуш даражасини юксалтириб бўлмайди. Бугун жойларда фаол иш олиб бораётган секторлар фаолиятидан кўзланган мақсад ҳам шу, аслида.**

Сурхондарё вилояти 3-сектори Термиз шаҳри ҳамда Термиз, Ангор, Музработ, Узун туманларини ўз ичига олади. Секторга 198 та маҳалла бириктирилган бўлиб, уларда 122 минг хонадон мавжуд. Ушбу хонадонларда 732 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Оилалар сони эса 165 минг 749 тани ташкил этади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам сектор ҳудудида истиқомат қилаётган 30 минг 161 нафар ишсиз фуқарони ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил якунига қадар ҳудудда амалга татбиқ этиладиган 6005 та лойиҳа доирасида 14 минг 793 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бу шунча киши муқим иш ўрнига, тайинли даромад манбаига эга бўлади, деганидир.

– Ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ, – дейди вилоят 3-сектори котиби, майор Фурқат Муртазоев. – Ўтган ойда улар қайта хатловдан ўтказилди ва янги saxovat.argos.uz дастурига тўлиқ киритилди. Хатловдан ўтган 9114 та оиладан 9080 тасининг тайинли даромади йўқ. Бугунга қадар 6100 оиланинг ана шундай муаммоси ҳал этилди.

Доимий даромадга эга бўлмаганлар карантин даврида қандай кун кечиради, зарур эҳтиёжларини қондиришлари учун ким кўмак беради? Сектор раҳбари бу жиҳатни ҳам эътиборсиз қолдирмаган. Яъни, эҳтиёжманд оилалар иш билан таъминлангунига қадар ушбу оилаларга 6 миллиард 447 миллион сўмликдан ортиқ турли хилдаги ёрдам кўрсатилди. Шу жумладан, ижтимоий кўмакка муҳтожларга 1 миллиард 623,7 миллион сўмлик 13 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 121 та оилага қорамол, 351 та оилага парранда, 49 та оилага 194 қути асалари уялари берилди. 77 та оилага эса 1,5–2 сотихли иссиқхоналар қуриб берилди.

Бугун одамларни ўз меҳнати, саъй-ҳаракати билан даромад топиши учун такрорий экин экиладиган майдонлардан ер ажратилмоқда. Бундай хайрли ишга воҳа шаҳар ва туманларидаги 3-секторлар масъуллари ҳам бош қўшган. Ҳозирга қадар қўшимча даромад топиш истагини билдирган аҳоли учун 609 гектар ер майдони ажратилди. Бу эса одамларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, оила иқтисодини ривожлантиришга яна бир имкон яратаётир.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда «Томорқа хизмати» МЧЖ ва бошқа корхоналар негизида 1 миллиард 449 миллион 500 минг сўмлик субсидия маблағи ҳисобига 200,5 гектарли майдонда 13 та қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этилди. Уларнинг ҳар бири 50 нафардан кишини иш билан таъминлади. Ушбу кооперацияларга ишга жойлашганлар орасида профилактика ҳисобидаги 11 нафар, пробация ҳисобидаги 3 нафар шахс ҳам мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, секторлар фаолияти ҳудудларда ўз самарасини бермоқда. Кўплаб муаммолар барҳам топиб, аҳоли яшаш тарзини яхшилаш мақсадида эътирофга молик ишларга бел боғланмоқда. Зеро, халққа хизмат қилиш шарафдир.



**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**

*Сурхондарё вилояти.*

ҲИКМАТ



*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,*
*Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур,*
*Яхши киши ёмонлиғ кўрмагай ҳаргиз,*
*Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!*

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР



ҲИКМАТ

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ОИЛАЛАР САҚЛАБ ҚОЛИНМОҚДА

**Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Айниқса, аёллар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, оила-турмуш даражасидаги муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.**

Фарғона вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ҳузурида хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим ходимлари жорий йилнинг 6 ойи давомида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 18 минг 790 нафар хотин-қиз билан бевосита суҳбатлар ўтказиб, аниқланган 9646 та муаммонинг 7054 таси ҳал этилган бўлса, қолганлари тегишли соҳаларга тақдим қилинди.

Жойлардаги маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари билан ҳамкорликда вилоятда ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни аниқлаш, ажрашишларнинг олдини олишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда мунтазам профилактик ишлар ташкил этилиши натижасида 2020 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида уларнинг бевосита аралашуви билан 459 та нотинч оила аниқланиб, яраштирилди. Бу шунча оила ажралишдан асраб қолинди, деганидир. Энг муҳими, ушбу оилаларда улғаётган фарзандлар тирик етим бўлишининг олди олинди.

**Вилоятда айни пайтда оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этиб, профилактик ҳисобда турган 1816 нафар шахснинг 460 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.**

Аёллар ўртасидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти ишсизлик, бекорчилик сабабли юзага келаётганини ҳисобга олиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда.



**Йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар масалалари билан ишлаш бўйича инспекторлар 545 нафар аёлни иш билан таъминлашга бевосита кўмаклашди. Кам таъминланган оилалар рўйхатида турган 42 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит асосида тикув машинаси олиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.**

Бундан ташқари, хонадонларга кириб, аёллар муаммоларини ўрганиш жараёнида 53 нафар хотин-қизнинг даволанишга муҳтожлиги аниқланиб, тиббиёт муассасаларида даволанишлари учун шароит яратилди. 112 нафар аёлга шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини қайта тиклашга, 93 нафар аёлнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашилди. 165 нафар вояга етмаган қиз эса таълим жараёнига қайтарилди.

**Вилоятда 19 та зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш маркази ташкил этилган. Айни вақтда оилада маънавий, руҳий зўравонликка учраган 33 нафар аёл ушбу марказларга жойлаштирилган.**

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида жойларда 150дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида тазйиқ ва зўравонликка учраган 198 нафар хотин-қизга белгиланган муддатларга ҳимоя ордерлари берилиб, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга эришилди.

Бу борада Бағдод тумани ИИБнинг хотин-қизлар масалалари билан ишлаш бўйича катта инспектори, майор Марғубахон Маматова томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътироф этишга арзийди.

**Мазкур туманда 109 та нотинч ва ноқобил оила рўйхатга олинган бўлиб, олиб борилаётган тушунтириш ишлари натижаси ўлароқ, 48 та ажрим ёқасига келиб қолган оиладан 35 таси яраштирилди.**

– Йилнинг ўтган даврида туманимизда тазйиқ ва зўравонликка учраган 8 аёлга ҳимоя ордери берилиши натижасида оилалардаги нотинчликлар барҳам топди, – дейди майор Марғубахон Маматова. – Масалан, Майлавой қишлоғида яшовчи М. хонадонида тез-тез нотинчлик юз бериб турарди. Турмуш ўртоғи томонидан ўтказиб келинаётган тазйиқлардан, жисмоний зўравонликлардан асраш мақсадида хонадон бекасига ҳимоя ордери бердик. Профилактик суҳбатлар ўтказдик. Шундан сўнг оилада ўзаро аҳиллик юзага келди.

Чекмирзаобод маҳалласида яшовчи яна бир хонадонда ҳам тез-тез тушунмовчилик юзага келиб, оила бекаси ота уйига кетиб қолган эди. Ўртада 4 нафар фарзанд билан ажрим ёқасига келиб қолган бу оила туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳамкорликда яраштирилди.

**Дилшода ЎРИНОВА,**
**капитан.**
**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

**Суратда:** *майор Марғубахон Маматованинг хизмат фаолиятидан лавҳа.*

«ҚУРОЛ» ТАДБИРИ

# ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимлари томонидан ҳудудда фуқароларга тегишли бўлган қуролларнинг белгиланган қонуний талаблар асосида сақланиши ва улардан фойдаланиш устидан назорат кучайтирилди. Қурол билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ўтказилди. «Қурол» махсус профилактик тадбири доирасидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг амалий натижасини бермоқда.

Тадбирни сифатли ташкил этиш учун шаҳар-туман ИИБ ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, кундалик йўриқномаларда аниқ вазифалар белгилаб бериляпти. Жумладан, фуқароларга қуролни сақлаш қоидаларига амал қилинишини ўрганиш бўйича текширувларни ўтказиш тактикаси, усуллари ва хусусиятлари, шунингдек, текширувларни амалга оширишда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ходимлар эътиборига етказиляпти.

Вилоят бўйлаб ўтказилган мазкур тадбирга 332 нафар шахс жалб қилинган бўлиб, улардан 320 нафарини ички ишлар органлари, 12 нафарини эса овчилик жамияти ходимлари ташкил этади. Тадбир давомида вилоят ИИБ рўйхатида турган жами ов қуролига эга 1746 нафар фуқаронинг сақланаётган қуроллари текширувдан ўтказилиб, барчасидан тилхат олинди.



Назорат тадбирлари жараёнида аҳоли билан ов қуролини сақлаш ва олиб юриш юзасидан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Текширув натижалари бўйича жами 126 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди. Шундан 3 нафар ов қуролига эга фуқароларнинг овчилик гувоҳномаси амал қилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли йиллик бадаллари тўлатилди. 122 та ҳолатда эса қуролни сақлаш ва олиб юришга берилган рухсатноманинг амал қилиш муддати ўтиб кетганлиги инобатга олиниб, қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Бир нафар ов қуролига эга фуқаронинг оиласи нотинчлиги сабабли, унга тегишли бўлган ов қуроли ИИБ навбатчилик қисмида вақтинча сақлаш учун тегишли тартибда расмийлаштириб олинди.

Шунингдек, аҳоли орасида қуроляроғларни ноқонуний сақлаш учун белгиланган жавобгарлик, улар ўз хоҳиши билан топширган тақдирда чоралар қўлланилмаслиги юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бу ўзининг амалий натижасини бериб, 5 нафар фуқаро ов қуролларини ихтиёрий равишда ҳудудий ИИБга топширди.

**Навоий вилояти ИИБ Ахборот хизмати.**

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ

# СИНЧКОВЛИК УЛАРГА ХОС

**Шовот туманидаги «Рўзимов Баҳром» фермер хўжалиги иссиқхонасида ўғирлик жинояти содир этилди. Иссиқхона қурилиши учун келтирилган 31 миллион сўмлик темир материаллар ўғирлаб кетилди.**



Ҳодиса жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи жиноят тафсилотини ўргана бошлади. Жиноят қидирув гуруҳи ходимлари гумондорлар билан суҳбатлашишди. Аммо улар «Жиноятга алоқамиз йўқ», деб туриб олишди. Тезкор гуруҳ таркибида бўлган вилоят ИИБ ЭКБ катта эксперти, майор Бекзод Мирзаев ва туман ИИБ ЭКГ катта эксперти, майор Иноят Наврўзов воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечиришди. Ҳатто киши эътиборини тортмайдиган майда нарсалар ҳам улар назаридан четда қолмади. Ниҳоят, ҳодиса жойидан кўплаб қўл-бармоқ излари топилди. Улардан айримлари хонадон эгаларига тегишли бўлса, тўрттаси бегона кишиларнинг бармоқ излари эди. Бу маълумотлар зудлик билан вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимига юборилди.

Тажрибали экспертлар изларни «Сонда» автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизими базасидаги мавжуд қўл-бармоқ излари билан солиштириб кўришди. Аммо бу излар тизим базасида йўқ эди. Шундан сўнг воқеа жойидан олинган излар гумондор шахсларнинг қўл-бармоқ излари билан солиштириб кўрилди. Ана шундан сўнг ҳаммаси аён бўлди. «Жиноятга менинг алоқам йўқ», деб сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлган иссиқхона ишчилари О.Жаҳонгир ва Ю.Шаҳнозанинг қўл-бармоқ излари ҳодиса жойидаги излар билан бир хил бўлиб чиқди. Инкор этиб бўлмас далиллар олдида ожиз қолган бу икки кимса айбини тан олишдан бошқа чора топа олмади.

– Фермер хўжалигида ишлайман, – дейди О.Жаҳонгир судда берган кўрсатмасида. – Меҳнатимга яраша маош ҳам олиб турардим. Янги иссиқхона қурилиши учун темир материаллар олиб келинди-ю, нафсим бузилди. Хуллас, уларни ўғирлашни режалаштира бошладим. Аммо иссиқхона ишчиси Шаҳноза режамни амалга оширишга халал берарди. Шундан сўнг мақсадимни унга ҳам айтдим. Ёрдам берса, ўғирлик молдан тушган пулнинг тенг ярмини беришимни айтдим. У дарҳол рози бўлди. Кечқурун фермер хўжалиги раҳбари йўқлигидан фойдаланиб, режамизни амалга оширдик. Аммо сиримиз фош бўлиб қолди. Қилмишимдан жуда афсусдаман...

Хоразм вилояти ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими ходимлари бошқа соҳавий хизмат вакиллари билан ҳамкорликда жиноятларни қисқа фурсатларда фош этишда фаол қатнашишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бўлим экспертлари 2995 марта тергов-тезкор ҳаракатларида, 3014 марта тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этишди. Шунингдек, 996 маротаба воқеа жойи кўздан кечирилиб, 614 та эксперт-тадқиқот иши амалга оширилди. 291 та қўл-бармоқ изи аниқланиб, 25 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

– Жиноятчи қанчалик айёр бўлмасин, ҳодиса жойида ўзи билмаган ҳолда бирор из ёки ашёвий далил қолдириши мумкин, – дейди вилоят ИИБ ЭКБ бўлинма бошлиғи, майор Санжар Нуржонов. – Шу боис ҳодиса жойида иш бошлаган эксперт эшик ва дераза ромлари, стол-стуллардан тортиб барча майда-чуйда буюмларгача алоҳида эътибор бериб, уларни синчковлик билан ўрганиши, кўздан кечириши лозим. Ана шундагина амалга оширилган саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайди. Жиноят содир этилган жойдан топилган излар, албатта, ўғрини фош этади.

Хуллас, маҳоратли экспертларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли содир этилаётган жиноятлар тезкорлик билан фош этилмоқда. Бунинг натижасида юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги таъминланмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

**Суратда:** *вилоят ИИБ ЭКБ ходимларининг хизмат пайтидан лавҳа.*

**Зафар ИБРАГИМОВ олган сурат.**

МАҲАЛЛА ТИНЧ – ЮРТ ТИНЧ

# МУВАФФАҚИЯТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

**Бугун мамлакатимиздаги кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари лавозимида ички ишлар органларида хизмат қилиб пенсияга чиққан, бой тажрибага эга фахрийлар фаолият олиб боряпти. Бу уларнинг маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этиш, ҳудуд осойишталигини таъминлаш сингари зиммаларига юклатилган залворли вазифаларни сидқидилдан адо этишларида муҳим омил бўлаётир.**



Ана шундай юртдошларимиздан бири пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган «Дийдор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Қобуловдир. Шуҳрат ака ҳаётининг 26 йилини ички ишлар органларида юртимиз осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилишга бағишлаган. 2014 йилда Тошкент шаҳар ИИББ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси лавозимидан пенсияга чиққан истеъфодаги катта сержант Ш.Қобулов бугунги кунда маҳалла аҳлининг энг яқин маслаҳатгўйидир.

Мазкур маҳаллада 5392 нафар ўзбек, рус, корейс, тожик, қозоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари аҳил-иноқликда истиқомат қилади. Уларнинг 902 нафарини ёшлар, 502 нафарини эса вояга етмаганлар ташкил этади. Улар орасида ҳуқуқбузарликлар ва турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш ҳамжиҳатликда ишлашни тақозо этади. Ёш авлод тарбияси ўта масъулиятли вазифа. Буни тўғри англаган маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳуқуқ-тартибот органлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Зеро, бугун содир этилган кичкина дилхиралик эртага катта муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли бирорта масалага панжа ортидан қараш маҳалла фаолларига ёт тушунча.

Бу маҳаллада аҳоли орасидаги аҳилликни кўриб ҳавасингиз келади. Ёши улуғ инсонлар кўчада ўзаро жанжаллашаётган болаларни кўрса, койиб, уларга тўғри маслаҳат беришади. Тарбиянинг бундай кўриниши болаларда жамоат жойларида ўзини тутиш, фуқаролар билан муомала қилишда аҳамият қаратиши зарур бўлган жиҳатларни шакллантиришга ҳисса қўшади, албатта.

– «Обод маҳалла», «Обод кўча» «Обод хонадон» мезонлари асосида амалий ишларни йўлга қўйганмиз, – дейди Ш. Қобулов. Буни яхши англаганимиз учун ҳудуднинг тозалиги ва ободонлиги, аҳолининг хушмуомалалигига алоҳида эътибор қаратамиз.

Учтепа тумани ИИОФМБ 2-сонли ИИБ 482-ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Илёсжон Мусаев маҳалла раисининг яқин кўмакчиси. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида маҳалла ҳудудида жорий йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам жиноят содир этилмаганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ички ишлар органларида профилактик рўйхатда турувчи ичкиликка ружу қўйган фуқаролар билан мунтазам равишда манзилли, якка тартибда суҳбатлар олиб борилаётгани ҳам ўз самарасини бераётир. Бу ўз навбатида жиноятчиликнинг барвақт олдини олишдан ташқари, турли оилавий жанжаллар ва кўнгилсиз ҳолатларни ҳам бартараф этмоқда.

Жондан азиз фарзанду неваралари қуршовида юрт осойишталиги равнақи йўлида фидойилик билан хизмат қилаётган Ш. Қобулов ота-она дуосида ҳикмат кўплигини такрор-такрор таъкидлайди. Суҳбатимиз якунида ҳам муваффақиятларининг яна бир сири саксон ёшни қаршилаган табаррук ота-онасининг дуосида эканлигини айтаркан, кўзларида меҳр нурлари порлади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЧЕЛОВЕК И ЕГО ДЕЛО

# «Я ПРОСТО ВЫПОЛНЯЛ СВОЮ РАБОТУ»

**В группу социальной сети «Фейсбук» «ГУВД столицы: диалог с населением (Ташкента)» одна из пользователей написала отзыв об инспекторе ДПС, который помог ей выйти из непростой ситуации:**



«Уважаемое руководство ГУВД! Сейчас, когда всем сложно в связи с карантином, я была удивлена поступком вашего сотрудника. Не знаю, к сожалению, ни его имени, ни фамилии. Оказалось, что у меня закончился бензин, и моя машина встала прямо возле здания хокимията Юнусабадского района. Инспектор ДПС не только помог подтолкнуть машину, но и помог с топливом, причем безвозмездно».

Когда женщина спросила инспектора, как его зовут, он просто улыбнулся и пожелал ей счастливого пути, поэтому она попросила найти своего спасителя, чтобы лично поблагодарить его.

Нам удалось не только найти того самого инспектора, но и побеседовать с ним. В дни усиления карантина вместе с военнослужащими Национальной гвардии и Министерства обороны он несет службу на одном из постов ДПС в Юнусабадском районе столицы.

Героя нашего рассказа зовут лейтенант Алишер Рузимуродов. Он инспектор 3-го батальона ДПС УБДД ГУВД г. Ташкента. Алишер считает, что ничего героического не совершал, просто выполнял свою работу и помог человеку, попавшему в трудную ситуацию. Он добавил, что любой неравнодушный человек поступил бы на его месте так же.

– Несколько дней назад автомобиль, которым управляла женщина, вдруг остановился на дороге, создав тем самым пробку, – рассказал лейтенант Алишер Рузимуродов. – Оказалось, закончился бензин. Я откатил машину к обочине и попросил немного топлива у рабочих на стройке – тут кругом идет стройка. Мы залили топливо в бак, и женщина уехала. Я делал это не ради денег или славы, просто выполнял свою работу. Только потом узнал от товарищей, что она меня сфотографировала и обратилась в ГУВД с просьбой найти меня. Это не единственный случай, когда к нам обращаются за помощью. В основном в нашей поддержке нуждаются представительницы прекрасного пола – колесо вдруг спустит или не могут сориентироваться. Мы всегда рады помочь.

В эти сложные для всех дни не только инспектора ДПС ГУВД г. Ташкента, но и все сотрудники органов внутренних дел несут свою нелегкую службу. Днем и ночью, в холод и зной они на посту и в любую минуту готовы прийти на помощь.

– Алишер пришел служить в наш батальон в апреле 2019 года, – говорит заместитель командира 3-го батальона ДПС УБДД ГУВД г. Ташкента подполковник Валихужа Турсунходжаев. – Он очень культурный человек, с большим уважением относится к людям, постоянно совершенствует свои профессиональные навыки. Обращаясь к гражданам, находящимся за рулем, Алишер проявляет к ним уважение, предупреждает о необходимости соблюдения правил карантина. Могу сказать, что лейтенант Алишер Рузимуродов – профессионал своего дела.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Равиля ВАЛИТОВА.**

ЖЕНЩИНЫ В ПОГОНАХ

# «Нужно быть терпеливыми, великодушными и любящими»

**В системе органов внутренних дел работает много представительниц прекрасного пола, которые наравне с мужчинами несут непростую и ответственную службу. Младший инспектор 2-го УКД кинологической службы ГУППСиООП ГУВД г. Ташкента сержант Виолетта Муравьёва одна из них. Вот уже 20 лет она трудится в этой сфере.**

– 20 лет – срок немалый. Здесь прошла моя молодость, иногда даже не было времени возвратиться домой и приходилось ночевать на работе. Несмотря на это, никогда не сожалела о своем выборе, и трудности профессии меня не пугали, – улыбнулась наша героиня.

Отец Виолетты много лет проработал в органах внутренних дел. Он очень любил собак. Дома всегда жили хвостатые питомцы разных пород. Несколько раз он был членом жюри различных выставок собак. Виолетта приходила вместе с отцом, садилась на передние места и с интересом наблюдала за происходящим.

Прошли годы, девочка выросла. Окончив учебу, она решила осуществить свою мечту. Однажды в СМИ она увидела объявление об открытой вакансии на должность сотрудника кинологической службы ГУВД г. Ташкента. Сдала документы на участие в конкурсе. Успешно пройдя все испытания, была принята на работу в отделение, где выращивали служебных собак, в котором проработала почти 10 лет. Наблюдая за тем, как стражи порядка в паре с четвероногими коллегами раскрывают преступления по горячим следам, вместе с ними охраняют общественный порядок, она попросила перевести ее в подразделение кинологии. Ее направили на обучение в Центр подготовки кинологов и служебных собак ГУППСиООП МВД Республики Узбекистан.



– На учебу надо было идти со служебной собакой. Я любила всех щенят и не знала, кого из них выбрать. В итоге взяла немецкую овчарку по кличке Яра, – вспоминает Виолетта. – Успешно окончив обучение, получила сертификат и потом семь лет служила с Ярой. Я очень к ней привязалась. С ее рождения мы вместе. Я ее воспитывала, вместе служили. Сейчас ей 10 лет. После того, как она вышла на пенсию (да, служебные собаки тоже выходят на пенсию), я взяла ее к себе. Она верный друг. Не говорит, но понимает меня без слов. Лучше членов семьи знает, какое у меня настроение, старается не огорчать.

После Яры Виолетта подготовила к службе лабрадора по кличке Багира, немецкую овчарку Иртыш.

На мой вопрос: сожалела ли она о выбранной профессии, когда не получалось найти общий язык с собакой, или питомец вел себя агрессивно и мог нанести какие-либо травмы? – Виолетта ответила:

– Собаку воспитывать нелегко. Не скрою, были сложные моменты, но меня никогда меня не посещала мысль о том, чтобы оставить службу. Для того чтобы найти общий язык с собакой, необходимы терпение и любовь к своим четвероногим коллегам. Никогда не нужно общаться к собакой исходя из своего настроения.

О сержанте Виолетте Муравьёвой коллеги всегда отзываются с большой теплотой.

– Работаем с Виолеттой много лет, – говорит сержант Кобилжон Мирзахмедов. – Она наставляет и поддерживает молодых коллег, не жалеет для них совета, всегда приходит на помощь. В коллективе Виолетта – единственная женщина. Мы ее очень уважаем. Она профессионал на службе и прекрасная мать.

Виолетта – мама двух дочерей, Ани и Виктории. Они восхищаются профессией матери и, возможно, в будущем тоже станут кинологами.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**корреспондент «Postda».**
**Фото Содика ХАКИМОВА.**

Postda
На посту

# ҚЎШСАҲИФАДА –

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

**Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишга йўналтирилган фаолиятини янада такомиллаштириш талабини қўймоқда. Чунончи, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятнинг барвақт олдини олиш тизим ходимларининг бош вазифасига айланди.**



**Ғайрат ҚОДИРОВ,**
**Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор.**




# МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТИБ

Ислоҳот ва ўзгаришлар тизим моддий-техник базасини такомиллаштириш, илғор услуб ва технологияларни қўллаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига уйғун тарзда олиб борилаётгани масъулиятни янада оширмоқда. Мавзуга Жиззах вилояти ички ишлар органлари фаолияти мисолида ёндашадиган бўлсак, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.



Вилоятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг 6 ойи давомида 2019 йилнинг биринчи ярмига нисбатан бир қатор турдаги жиноятларни камайтиришга эришдик. Мисол учун, ўта оғир жиноятлар 11,1 фоизга, хусусан, қотиллик 22,2 фоизга, номусга тегиш 67 фоизга, оғир тан жароҳати етказиш 25 фоизга камайди. Савдо нуқталари ва транспорт воситаларидан ўғирлик қилиш, бангихона сақлаш, транспорт воситаларини олиб қочиш, ўртача оғир ҳамда енгил тан жароҳати етказиш каби жиноятлар ҳам сезиларли даражада камайди. Ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари эса 30,7 фоиз кам рўй берди.

Табиийки, бу натижаларга энг замонавий технологияларнинг татбиқ этилиши, ходимларнинг билим ва малакаси мунтазам оширилаётгани, жойлардаги ички ишлар органлари ходимлари учун муносиб хизмат шароитлари яратилаётгани асосий омил бўлмоқда. Маълумот ўрнида айтиш керак, 2019 йилда вилоятдаги 10 та ички ишлар органи биноларида таъмирлаш ва қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, бу йил 20 дан ошиқ бинони қисман ёки жорий таъмирлаш ҳамда бир нечта янги иншоотлар қуриш режалаштирилган.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги томонидан бу йил вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига 2 та, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармасига 1 та «Нексия-3» русумли автомашина, Навбатчилик қисмига 1 та «Патриот» русумли йўл танламас ажратилди. Бу, ўз навбатида, соҳа вакилларининг тезкорлигини ҳамда хизмат самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятда аҳоли пунктлари, ташкилот, корхона ва муассасалар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда жамоат жойларига видеокузатув камералари ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳозирги вақтда 10 минг 745 та видеокузатув ускунасидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда самарали фойдаланилмоқда.

Ана шу қурилмаларнинг 200 таси ички ишлар органларидаги ситуацион марказларга уланган бўлиб, улар орқали ҳудудлардаги жамоат жойлари мунтазам кузатиб борилади. Бундан ташқари, вилоят йўлларида 7 та кўчма радар, 14 та видеокузатув қурилмаси орқали автотранспорт воситаларининг ҳаракати ва тезлиги назорат қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, бу ускуналарнинг бир қисми фуқароларнинг юзини таниш, транспорт воситаларининг ранги, русуми ва давлат рақамларини аниқлаш билан бирга, маълумотларни умумлаштириш, статистик ҳисобот юритиш, қидирилаётган шахс ёки автоуловни қисқа муддатда топиш салоҳиятига эга.

Ҳудудида хизмат уйи ва имтиёзли кредит асосида шахсий автомашина билан таъминланган профилактика инспекторлари халқнинг том маънодаги кўмакчисига айланди. Қисқаси, вилоятнинг барча аҳоли пунктларида «Хавфсиз ҳудуд» концепцияси асосида жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилаётир. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган «Хавфсиз шаҳар» концепцияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июндаги «Жиззах вилоятида жамоат тартибини сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, Жиззах шаҳрида патруль-пост хизмати 3 навбатда ташкил этилди. Бу эса вилоят марказидаги энг гавжум кўчалар, аҳоли тўпланадиган жойлар, ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамда бўш турган иншоотларни доимий назоратга олиш имконини берди.

**Ички ишлар вазирлиги томонидан бу йил вилоят ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига 2 та, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармасига 1 та «Нексия-3» русумли автомашина, Навбатчилик қисмига 1 та «Патриот» русумли йўл танламас ажратилди. Бу, ўз навбатида, соҳа вакилларининг тезкорлигини ҳамда хизмат самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.**

Ички ишлар органлари ходимлари секторларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирларда ҳам фаол қатнашмоқда. Чунончи, Президентимиз ҳамда Ички ишлар вазирининг топшириғи асосида



эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш юзасидан самарали ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, вилоят ички ишлар органлари масъуллигидаги секторларда яшовчи эҳтиёжманд оилаларга 3,5 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар ажратилишига эришилди. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли 2 минг 765 киши ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, субсидия ажратиш ҳисобидан 42 та оила учун иссиқхона қурилди. 32 та оилага қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари тарқатилди. 18 та оиланинг томорқасига сув насослари ўрнатилди. 669 та эҳтиёжманд оилага ғалладан бўшаган майдонлардан такрорий экин экиш учун бир гектардан ер ажратилди. Ана шу оилаларнинг 63 тасига ички ишлар органлари ходимлари томонидан такрорий экин экиб берилди. Эътиборлиси аҳолини камбағалликдан чиқаришга қаратилган бу каби тадбирлар пандемия шароитида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Худди шундай, тегишли ташкилотларни жалб этган ҳолда, йўлларга шағал ёткизиш, электр энергияси, газ ва сув таъминотини яхшилаш, турар жойларни таъмирлаш, тиббий кўмак кўрсатиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ муаммоларга ечим топилаётир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Жиззах вилояти ички ишлар органларини тўлиқ қамраб олган. Шу маънода, ҳар бир ходим ўз зиммасидаги масъулиятни теранроқ англаб, хизмат бурчига садоқат ва фидойилик билан ёндашмоқда, десак, адашмаймиз. Бу олдимизга қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиздир.

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

## ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА

## «ИССИҚ ИЗИДА» ФОШ ЭТИЛМОҚДА

**Жиноятларни фош этишда эксперт-криминалистларнинг ўрни беқиёс. Ходимларимиз қўл-бармоқ, оёқ, транспорт воситалари изларини олиб, қиёфаларни, қурол-яроғларни, гиёҳванд моддаларни, ҳужжатларни, ёзувларни қиёслаш, текшириш, таҳлил этиш йўли билан жиноий ҳолатга аниқлик киритади.**

Шу йилнинг 9 мартга ўтар кечаси Жиззах шаҳрининг Маданият маҳалласидаги дорихоналарнинг биридан 2 миллион 700 минг сўм пул, ноутбук ва видеокамера винти ўғирланди. Воқеа жойига чиққан эксперт-криминалистлар томонидан қўл ва кафт изларидан 81 та нусха олиниб, ва «SONDA» ва «Papilon» дактилоскопик таққослаш ускуналарида текширувдан ўтказилди. Қиёсловлар жиноят Жиззах шаҳрининг Иттифоқ маҳалласида яшовчи икки шахс томонидан содир этилганини кўрсатди.



Маълумот ўрнида айтиш керак, жорий йилнинг ўтган даврида бўлимимиз ходимлари 676 та воқеа жойига чиқишди. Бу жараёнда 1042 та ашёвий далил олиниб, 522 та экспертиза ўтказилди. Яна ҳам аниқроғи, 144 ҳолатда гиёҳвандлик моддалари ва воситаларининг таркибига аниқлик киритилди, 33 ҳолатда баллистик текширув амалга оширилиб, қурол-яроғларнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга алоқадорлиги аниқлаштирилди. 148 ҳолатда автотранспорт воситалари иштирокида рўй берган кўнгилсиз ҳодисаларнинг сабабчилари аниқланди. 12 та жиноят бармоқ изларини ўрганиш орқали очилди.

Худди шундай, хатшунослик йўналишида ўтказилган 89 та экспертиза ҳужжатлар, имзо ва муҳрлар сохталаштирилганлигини кўрсатди. 32 ҳолатда коррупция ва бошқа турдаги жиноятларни фош этиш мақсадида пул ҳамда воситаларга кимёвий ишлов берилди.

Бўлимимизнинг техник имкониятлари йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Чунончи, февраль ойида ИИВ томонидан «Регула 4305 ДМН» русумли видеоспектраль компоратор қурилмаси ажратилди. Бу ускуна ҳужжатларни техник экспертиза қилишга ихтисослашган. Унинг хотирасига 200 та давлатнинг фуқаролик паспортлари, пуллари ва муҳрларига оид белгилар киритилган ва бу маълумотлар мунтазам янгиланиб борилади.

Янги ускуна фуқаролик паспорти, пуллар ҳамда муҳрларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноятларни қисқа муддатларда фош этиш имконини яратди. Ички ишлар вазирлигида ўтказилган ўқув курсида икки нафар ходимимиз хорижлик мутахассислардан «Регула 4305 ДМН»ни қўллаш сирларини ўрганиб қайтишди.

Шунингдек, жорий йилда вазирлик буйруғига асосан, бўлимимизда давлат ўқ гильзотекаси юзага келтирилди. Ушбу гильзотекага вилоятимиз ҳудудида мавжуд бўлган ўқотар қуролларнинг ҳар биридан отилган 3 та гильзани жамлаш чоралари кўриляпти. Бу тадбир жиноят қуролларини ортиқча оворагарчиликсиз қисқа муддатларда аниқлаш имконини беради.

Вилоятимиздаги ҳудудий ички ишлар бўлимларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари ва гуруҳлари «SONDA» русумли ускуналар билан таъминлангани жиноят жойида қолдирилган бармоқ излари орқали жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда қўл келаётир. Айни мақсадда бармоқ изларига оид маълумотлар базамизни бойитиш чораларини кўряпмиз. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида дактилоскопик таққослаш ускунасига 7330 та дактакарта киритилди.



Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, вилоят ИИБ эксперт-криминалистика тизими ходимлари ҳудудда жиноятчиликнинг пайини қирқиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Раҳматулла ТУГАЛОВ,**
**вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, подполковник.**

## ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ

**Жиззах вилояти ИИБ Пробация бўлими ходимлари саъй-ҳаракати билан назорат остида турган меҳнатга лаёқатли барча шахсларни ишга жойлаштириш бўйича ишлар самарали олиб борилмоқда. Шунингдек, маҳкумларнинг суд томонидан белгиланган чеклов ва мажбуриятларга амал қилиши, ўзини тутиши, яқинлари билан муносабати доимий назорат остида.**

## ЖИНОЯТЛАР ҚАЙТА СОДИР ЭТИЛМАСЛИГИГА МАСЪУЛМИЗ




Ишга психологлар ҳам жалб этилган. Улар ҳар бир маҳкумнинг ижтимоий-психологик портретини тайёрлашмоқда. Ушбу йўналишдаги ўрганишлар натижасида назоратимиздаги маҳкумлар 3 тоифага ажратилди. Аниқроғи, вилоят ИИБ Пробация бўлими назоратида бўлган 2179 нафар шахснинг 264 нафари жиноят содир этишга мойил экани, 106 нафарининг жиноят содир этиш хавфи юқорилиги, 1809 нафари тўлиқ тузалиш йўлига ўтгани аниқланди. Шу маълумот асосида ҳар бир маҳкумга алоҳида ёндашилмоқда. Яъни, зарурат туғилса, назорат кучайтириляпти, кези келганда, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиляпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида маҳкумларнинг 36 нафарига имтиёзли кредит, 362 нафарига моддий ёрдам, 2 нафарига биометрик паспорт олинишида, 18 нафарига соғлиғини тиклашда кўмак берилди. Назоратдаги шахслар 11 минг 760 ҳолатда ҳуқуқий маслаҳат олди. Пандемия туфайли иқтисодий муаммоларга дуч келган 338 нафар маҳкумга ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари билан ҳамкорликда 101 миллион 400 минг сўм пул тарқатилди.

Табиийки, ўнгланиш йўлига ўтганларнинг жазолари енгиллаштирилмоқда. Хусусан, йил бошидан буён 551 маҳкум жазони намунали ўтагани учун муддатидан олдин шартли озодликка чиқарилди. Аксинча, жазодан бўйин товлаб юрган 78 нафар маҳкумнинг жазосини оғирроқ турдаги жазога алмаштириш юзасидан жиноят ишлари бўйича судларга тақдимномалар киритилди. Шу асосда 70 нафар маҳкумнинг жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига, 8 нафар маҳкумники эса оғирроқ турдаги жазога алмаштирилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида назорат остидаги ҳар бир шахс ҳамда уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлар ўтказдик. Бу жараёнда аниқланган 349 та муаммо ижобий ҳал этилди. Бундан кўзланган мақсад ички ишлар органларининг, хусусан, пробация хизматининг ижобий имижини шакллантиришдан иборатдир.

**Лазиз ИСАЕВ,**
**вилоят ИИБ Пробация бўлими бошлиғи, подполковник.**

## КИНОЛОГИЯ

## ХИЗМАТ ИТЛАРИ КЎМАГИДА

**Кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими питомниги Шароф Рашидов туманида жойлашган. Бу ерда Шарқий Европа овчаркаси, Бельгия малинуаси, рус спанели каби 58 та зотдор ит мавжуд. Питомникда жониворлар из қидирув, гиёҳванд моддаларни топиш, портловчи моддаларни қидириш, террорчиларни тутиш ҳамда қўриқлаш йўналишларида тайёргарликдан ўтказилади. Итлар алоҳида дастур асосида махсус жиҳозланган ўқув хоналари ва майдонларда қатъий белгиланган тартибда хизматга ўргатилади.**



Бўлимимиз ҳудудларда 4 та гуруҳга эга. Чунончи, 1-кинология гуруҳи Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов, Пахтакор, Зафаробод ва Фориш туманларини, 2-кинология гуруҳи Ғаллаорол ва Бахмал туманларини қамраб олади. 3-кинология гуруҳи Зомин, Зарбдор ва Янгиобод туманларида, 4-гуруҳ эса Дўстлик, Арнасой ва Мирзачўл туманларида фаолият юритади.

Хизмат итларининг ҳуқуқбузар ва жиноятчиларни қидириш ҳамда ушлашдаги имкониятлари инобатга олиниб, ППХ йўналишларида жамоат тартибини сақлашга жалб этилаётир. Умуман олганда, жорий йилнинг 6 ойида кинологлар хизмат итлари билан бирга 65 та жиноят жойига чиқиб, 52 та жиноятни фош қилди. Шулардан 23 таси ўғирлик, 1 таси қотиллик, 27 таси гиёҳванд моддаларни сақлаш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятлардир. Шу билан бирга, хизмат итлари ёрдамида кинологлар 7 нафар қидирувдаги жиноятчини ушлашга муваффақ бўлди.

**Рамз ОҚБЎТАЕВ,**
**вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник.**

Қўшсаҳифа материалларини Жиззах вилояти бўйича ўз мухбиримиз Алижон АБДУСАТТОРОВ тайёрлади.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ДЕЛОПРОИЗВОДСТВО НА ГОСУДАРСТВЕННОМ ЯЗЫКЕ В ОРГАНАХ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Самая большая ценность народа – язык, на котором он пишет, говорит и думает. Это значит, что вся сознательная жизнь людей, суверенитет государства и развитие страны связаны с родным языком.**




Первым шагом к независимости Узбекистана стало принятие 21 октября 1989 года Закона «О государственном языке». 8 декабря 1992 года была принята Конституция страны, благодаря которой узбекский язык обрел прочную правовую основу.

Великий просветитель, талантливый поэт и педагог Абдулла Авлони в своем творчестве особое внимание уделял вопросу развития языка и литературы, их взаимосвязи. Он говорил о необходимости глубокого изучения и познания родного языка, овладения выразительными средствами речи, ратовал за его развитие и обогащение. Особое внимание он уделял формированию у молодого поколения уважительного отношения к родному языку.

Абдулла Авлони и его соратники – М. Бехбуди, А. Фитрат, А. Чулпан, которых по праву можно назвать основоположниками языковой политики в Узбекистане, внесли огромный вклад в развитие и пропаганду узбекского языка. Они посвятили свои жизни служению народу, его духовному возрождению.

Сегодня Узбекистан вступает в новый этап своего развития, основанного на принципе: «От национального возрождения – к национальному прогрессу». В процессе осуществления широкомасштабных реформ возрастает роль государственного языка.

Принятие Указа Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка» и постановления Кабинета Министров от 20 января 2020 года «О мерах по эффективной организации в стране делопроизводства на государственном языке» способствует повышению авторитета узбекского языка в обществе. Для претворения поставленных целей в жизнь в структуре Кабинета Министров создан Департамент по развитию государственного языка.



Большое внимание государственному языку уделяется в подразделениях МВД Республики Узбекистан. Начальники всех подразделений ОВД несут личную ответственность за организацию делопроизводства на государственном языке и безусловное соблюдение требований вышеназванных правовых актов. К каждому структурному подразделению прикреплены ответственные сотрудники, которые должны обеспечивать ведение документации на государственном языке. Проводится перепроверка и опись существующих нормативных документов и соответствующих приказов, распоряжений, указаний и инструкций, а также объявлений, баннеров, других видов внешней печатной продукции для приведения их в соответствие с новыми требованиями.

**Стиль изложения документов должен быть грамотным, точным, логичным, грамматически верным. Существуют определенные требования по составлению и оформлению документов: достоверность, правомочность, конкретность, грамотность. Общее положение и отдельные части должны соответствовать принятым стандартам. Особое внимание уделяется правильному заполнению реквизита – заголовок, число, адрес, текст, подписи и др. Каждый вид документа (приказ, протокол, акт) имеет свой, установленный порядок размещения реквизита.**

Обычно речь используют в двух видах: устной и письменной. Письменная речь является основной в праве. Именно в письменной форме создается и сохраняется вся документация, передается правовая информация, оформляются законы. Текст – основа любого документа. Важно, чтобы текст документации был выполнен с учетом всех структурно-синтаксических и стилистических правил. Это требует хорошего знания родного языка.

Делопроизводство в системе Министерства внутренних дел имеет свою специфику, так как в основе его лежит правовой язык. Язык права – это, в первую очередь, язык закона, с его терминологией, особыми понятиями. Правовые нормы не могут существовать иначе, как в определенных языковых формах. Языковые средства, употребленные в законе, используются во всех правовых документах как определенный стандарт.

Культуру письменной речи правоохранителей можно определить как целесообразное использование языковых средств, соответствующих всем установленным требованиям и отражающих фактические данные. Одним из основных требований делопроизводства в органах внутренних дел является ясность изложения, которая достигается четкой композицией документа, логичностью и убедительностью приведенных аргументов.

К данным текстам применяются определенные требования: умение точно, в соответствии с нормами литературного языка, передавать мысли, без употребления жаргонных, диалектных и просторечных слов, без орфографических и пунктуационных ошибок; речевое мастерство, заключающееся в доходчивости, логичности и уместности изложения, богатстве языка стражей порядка, разнообразии применяемых ими грамматических конструкций, выразительности, индивидуальности речи; использование языковых средств, слов, словосочетаний и синтаксических конструкций, соответствующих содержанию полученной правоохранителями информации.

Сегодня руководство страны уделяет большое внимание государственному языку, отдает приоритет обеспечению национальных интересов, прежде всего сохранению и развитию культуры, традиций, исконных ценностей.

Министерство внутренних дел вносит существенный вклад в укрепление позиций государственного языка в стране, повышение его авторитета, а значит, и в воспитание в обществе, особенно среди молодежи, преданности национальным обычаям и традициям, преемственности наследию великих предков, патриотизма. Воспитанные в богатой духовной традиции юноши и девушки станут надежными защитниками нашего народа.



**Абдувохоб ХАЛИКОВ,**
**доцент кафедры изучения языков Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат филологических наук, подполковник.**
**Фото из архива.**

В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

# ОПРАВДАТЬ ВЫСОКОЕ ЗВАНИЕ КУРСАНТА

**В отличие от гражданских вузов, учебный год в Академии МВД Республики Узбекистан начинается раньше. В июле–августе курсанты-первокурсники проходят сборы на базе учебно-полевого полигона, расположенного в Юкоричирчикском районе Ташкентской области.**



Условия жизни на полигоне – армейские. Этот период сами курсанты называют «школой молодого бойца»: строгий режим дня, обучение дисциплине, строевая подготовка, физические нагрузки.

Для новобранцев проводятся и первые занятия профессиональной направленности. Под руководством наставников – строевых офицеров и преподавателей они закаляются физически и духовно, происходит адаптация к новым для них условиям, новому коллективу – личному составу образовательного учреждения.

Недавно на полигоне состоялась встреча курсантов с руководством вуза.

– В нашей стране для молодежи созданы огромные возможности, – сказал на встрече начальник Академии МВД генерал-лейтенант Баходир Матлюбов. – Если мы возьмем в качестве примера наше образовательное учреждение, то за последние годы в учебно-воспитательном процессе Академии осуществлены кардинальные реформы. В целях интерактивного проведения теоретических и практических занятий современным оборудованием оснащены аудитории, учебно-методические кабинеты, внедрены инновационные технологии, основанные на передовом зарубежном опыте подготовки кадров. Возведены новые, реконструированы в соответствии с требованиями времени учебные и вспомогательные корпуса, культурно-просветительские и спортивные сооружения. Причем работа в данном направлении не прекращается, напротив, она набирает все больший темп. Как подчеркнул Президент страны, последовательное проведение государственной молодежной политики предусматривает создание всех необходимых условий для образования, профессионального становления нашей молодежи.



В ходе встречи выступили и сами первокурсники. Они отметили, что приложат все усилия к тому, чтобы оправдать высокое звание курсанта Академии МВД, будут стремиться к достижению поставленной цели – стать высококвалифицированными сотрудниками органов внутренних дел, надежно стоящими на страже интересов народа.

**Жамшид ХОЛОВ,**
**старший лейтенант.**
**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Сухроба ШОМАНСУРОВА.**

ГРАЖДАНСКАЯ ПОЗИЦИЯ

# ОБЪЕДИНИТЬСЯ ПРОТИВ НЕВИДИМОГО ВРАГА!

**История показывает, что издревле люди, общества и государства объединялись, чтобы совместными усилиями победить общего врага. Это актуально и сегодня, когда человечество столкнулось со страшным вирусом, не щадящим никого.**



В этом контексте слова Президента Республики Узбекистан, который в ходе видеоселекторного совещания, состоявшегося 15 июля 2020 года, подчеркнул, что «сегодня весь мир, включая нас, ведет настоящую войну с невидимым врагом. Если будем вести эту борьбу, всесторонне подготовившись, правильно оценивая все риски и опасности этого вируса, мы непременно победим его», звучат особенно злободневно.

Недавно многие государства мира, в том числе и наша страна, отдавали дань памяти тем, кто семьдесят пять лет назад совместными усилиями победил фашизм, продемонстрировав волю, отвагу и мужество. Новую угрозу, нависшую над человечеством, можно одолеть так же, сплотившись.

Сегодня под руководством главы государства в Узбекистане принимаются все необходимые меры, направленные на борьбу с COVID-19, сохранение жизни, здоровья и благополучия населения.

Узбекистан одним из первых предпринял оперативные действия по недопущению распространения коронавирусной инфекции. Еще в марте сего года руководство и правительство страны провели соответствующие мероприятия, которые оказались достаточно эффективными. В настоящее время Специальная республиканская комиссия регулярно анализирует обстановку и принимает все меры для сдерживания инфекции.

В сложной ситуации, не щадя себя, рискуя здоровьем своих близких, на передовой борьбы с коронавирусом находятся работники здравоохранения, сотрудники органов внутренних дел, других правоохранительных структур, военнослужащие Национальной гвардии. Не покладая рук, продолжают трудиться наши фермеры, дехкане и предприниматели.

На повестке практически каждого совещания, проводимого Президентом страны, наряду с другими важными вопросами, касающимися различных областей жизнедеятельности государства, рассматривается эпидемиологическая обстановка, дается реальная оценка ее состояния и принимаемых мер, ведется поиск эффективных и действенных путей ее улучшения.

В ходе недавно проведенных совещаний были критически проанализированы состояние эпидемиологической ситуации, предпринимаемые в этом направлении органами государственной власти всех уровней усилия, имеющиеся проблемы и недостатки. Были определены конкретные задачи по определению новой стратегии профилактики COVID-19, раннего выявления заболевания и осуществления лечебных мер в отношении пациентов, поддержанию стабильности цен на лекарства и их поставки, эффективной организации деятельности службы скорой медицинской помощи и call-центров, а также материальному стимулированию медицинского персонала.

Наряду с этим, отмечен такой важный аспект борьбы с коронавирусной инфекцией, как гражданская ответственность, проявляя которую, каждый из нас может внести весомый вклад в общее дело. В частности, была подчеркнута необходимость повышения уровня медицинской культуры, сохранения социальной дистанции, установления несгибаемой железной дисциплины при соблюдении правил карантина.

В нынешних непростых условиях гражданам нашей страны важно объединиться, проявлять высокую ответственность, солидарность, выполнять все соответствующие предписания.

**Шухратжон ШАКИРОВ,**
**заведующий кафедрой**
**Специализированного филиала**
**Ташкентского государственного**
**юридического университета.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ

**Бугун глобалллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси миллат ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият сифатида қараши табиийдир. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотлар жараёнида давлат тилининг ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.**

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимизни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш, фуқароларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш баробарида, халқимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга бутунлигича етказишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Айнан, ўзбек тилининг нуфузини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ушбу фикримизга яққол мисол бўла олади.

Ўтган қисқа давр давомида Ички ишлар органлари тизимида ҳам бу йўналишда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ички ишлар вазирининг жорий йил 30 июнь куни Ички ишлар органларида давлат тилида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланиб, унда тизимда амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгиланди. Асосий жиҳат ҳар бир ички ишлар органида давлат тилида иш юритиш масалаларига биринчи раҳбарларнинг шахсан жавобгар эканлиги аниқ белгиланди.

Ҳар чорак якунида вазирликнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш ҳолатлари бузилишига йўл қўйган таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисида вазирлик раҳбариятига тақдимнома киритиб бориш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш ҳолатлари бузилишининг олдини олиш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида барча ички ишлар органларида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма (таклиф, тавсия ва ҳ.к.)лар бериб бориш кўрсатилди.

**Ички ишлар органларида тайёрланган ҳар бир ҳужжатнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги масъул ходим томонидан текширилгандан сўнг, раҳбар томонидан имзоланиши ва ижрога қаратилиши тизими йўлга қўйилди.** Норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда давлат тилига оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши қатъий назоратга олинди.

Бундан ташқари, барча ички ишлар органлари, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларидаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ хатловдан ўтказилди. Хатлов давомида камчиликлар аниқланган 80 га яқин идоравий ҳужжатларни давлат тилига оид қонун ҳужжатларига мослаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.



ТИЛИНИ АСРАГАН – ЭЛИНИ АСРАЙДИ

Шунингдек, давлат тилига оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан самарали назорат тизимини яратиш мақсадида вазирликнинг 2020 йил 16 апрелдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизим орқали амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ билан Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)га таклиф ва мулоҳазалар учун вазирлик томонидан жойлаштирилаётган барча қонун ва қонун ости ҳужжатларининг лойиҳалари қатъий тартибда давлат тилида бўлиши белгиланди.

Шунингдек, **ички ишлар органлари маъмурий ҳудудидаги барча ташқи ёзувлар, шу жумладан, лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмали бошқа ахборот матнлари кўриб чиқилиб, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ўрганилди.** Ўрганишлар давомида барча камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Барча раҳбар ходимларга ташқи ёзувлар ва эълонларнинг, шунингдек, ички ишлар бўлинмалари, блок-постлар, ЙПХ масканлари, йўл белгилари ва жамоат назорати масканлари номлари, аввало, давлат тилида акс эттирилиши, кейин заруратга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши мумкинлиги ҳақида кўрсатмалар юборилган. Аммо шунга қарамай, айрим масъуллар томонидан ушбу масалага ҳалигача жиддий эътибор қаратилмаётганлик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Албатта, бу давлат тилига ҳурматсизлик сифатида баҳоланадиган ҳол. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, шахсий таркибнинг давлат тилига оид билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, ички ишлар органлари, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасалари кутубхоналарини луғатлар билан бойитиш, янги китоблар тақдимотларини ташкил этиш, ҳарбий қисмларда давлат тилини кенг тарғиб қилиш бўйича «Тилини асраган – элини асрайди» мавзуида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, ходимларни навбатдаги ва навбатдан ташқари аттестациядан ўтказишда давлат тилини қай даражада билишига, нутқий маҳорати ҳамда муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда тегишли талабларни белгилаш лозим.

Маълумки, бундан бир неча йил олдин «Давлат тилида иш юритиш» китоби чоп этилиб, ундан барча вазирлик ва идоралар ходимлари, кенг жамоатчилик самарали фойдаланиб келди. Аммо бугунги кунда мазкур китоб маънан эскириб, кам фойдаланиладиган китоблар қаторига тушиб қолди. Сабаби, нафақат ҳар куни, балки ҳар соатда бир янгиликка қўл урилаётган давримизда замонавий ахборот технологияларининг ҳаётимизга кенг жорий қилиниши натижасида ҳамда лотин ёзувидаги ўзбек алифбосига ўтиш жараёни жадаллашгани ҳисобига юқоридаги китобдаги маълумот ва тавсиялар замон талабига жавоб бермай қолди. Шундан келиб чиқиб, мазкур китобга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Ички ишлар вазирлиги ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Шунингдек, биз янги нашрдан чиқаётган барча китобларни кузатиб борамиз. Масалан, яқинда Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан янгиланган ҳолда чоп этилган 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» вазирлик таълим муассасалари ҳамда таркибий ва ҳудудий ички ишлар органларига фойдаланиш учун бепул тарқатилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ички ишлар органлари тизимида давлат тилида иш юритиш бўйича амалга оширилаётган ишлар яқин келажакда ўз натижасини бериб, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилаётган ходимларнинг маънавияти юксалишига, нутқий маҳорати ўсишига ва дунёқараши кенгайишига хизмат қилади.

**Хуршидбек РЎЗИЕВ,**
**Ички ишлар вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, майор.**

МУНОСАБАТ

# БЕПАРВО БЎЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда)*

Кўриб-билиб турибмиз, айни дамларда коронавирус пандемияси нафақат юртимиз, балки башарият бошида сабр-тоқат, ирода, матонат синови бўлди. Бугун ҳеч биримизнинг бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Шахсий гигиена, карантин қоидаларига амал қилиб, аввало, ўзимизни асрашимиз жоиз. Шунда оиламиз, яқинларимиз, жамоамиз ва жамиятимиз саломатлигини сақлаган бўламиз. Биздаги интилиш ва интизом «Менда, боламда, яқинларимда бу касаллик йўқ», деган бепарволик, эътиборсизлик ва лоқайдликни енгиш учун хизмат қилиши керак.

Юртбошимиз бошчилигида ушбу касалликка қарши курашиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кислород концентраторларини олиб келиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, уйда даволанаётган беморлар учун бепул дори-дармонлар тарқатиш тартибининг жорий этилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугун шифокорларимиз ҳар бир беморнинг тақдири учун кунни тунга улаб, фидойилик кўрсатяпти. Миллий гвардия, ички ишлар органлари, мудофаа тизими ходимлари карантин қоидаларининг тарғибот-ташвиқотида ҳар доимгидан-да қатъий режимда фаолият олиб бораётир. Бундан тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Кўпинча парво қилмаганимиз: грипп, йўтал, ҳарорат каби касаллик аломатларида шифокор билан ҳаммаслак бўлиб, ҳамиша ишонч ва интизом билан яшашга ўрганишимиз лозим.

Энг муҳими, ҳар биримизнинг қалбимизда «Ўз соғлиғим учун ўзим масъулман», деган фикр бўлиши даркор. Бир-биримизни қадрлаб, коронавирус пандемиясини енгишдек ягона мақсад, ҳаракат йўлида бирлашсак, бу синовлар, албатта, ўтиб кетади. Бугунги ўқиб-ўрганиш, ишлаш, дунё кўриб, дунёга кўрсатиш пайти келган замонда барчамиз оиламиз, бола-чақамиз ардоғида бахтли яшаш ниятидамиз. Эзгу ниятга эришиш имкони ҳам ўз қўлимизда эканини унутмаслигимиз даркор.

ОДАМ САВДОСИ – ОЛАМ МУАММОСИ

# «ҲОЖАТБАРОРЛАР»

**Шаҳар туғуруқхонаси. Бўлим мудираси хонасида оқ халатли икки аёл алланималар ҳақида гаплашиб ўтирарди. Шу тобда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари кириб келиб, уларни одам савдосида айблаб, қўлга олишди...**

## ИККИ ҲАМРОҲ

Моҳичеҳра (воқеа иштирокчиларининг исм-шарифи ўзгартирилди) пойтахт автовокзалининг кутиш залидаги ўриндиқлардан бирида хаёл суриб ўтирарди. Турмушнинг муштлари, тирноққа зорлик кўнглини чўктириб, юрак бағрини ўртарди. Бирин-кетин одамлар автобусга чиқа бошлади. Қора сумкасини кўтарганча автобусга чиққан Моҳичеҳра истараси иссиқ, одми кийинган дуркунгина аёлнинг ёнига бориб:

– Кечирасиз, бу жой бўшми? – деб сўради.

– Бемалол, ўргилай, – деб нарсаларини ёнига олиб жилмайди аёл. – Шу десангиз, узоқ йўлда ҳамроҳ бўлгани яхши-да, манзилга қандай етиб борганингизни ҳам билмайсиз.

– Ҳа, тўғри айтасиз, опа, – деди Моҳичеҳра ҳам истар-истамай жилмайиб.

Икки ҳамроҳ бирпасда тиллашиб, бир-бирлари ҳақида батафсил билиб олишди. Моҳичеҳра ўзи ҳақида гапира туриб, сўзининг охирида кўзлари ёшланганини сезмади. Аёл унга:

– Бардам бўлинг, тасаддуқ, яратганнинг сизга ҳам атагани бор, – деб далда берди. – Дунё ўзи шунақа, кимдир меҳрга, кимдир тирноққа, яна кимдир соғлиққа зор.

– Нимасини айтасиз, опажон, бормаган дўхтирим, кўринмаган табибим қолмади, – деди кўз ёшларини дастрўмол билан артаркан Моҳичеҳра. – Эрим мени жуда яши кўради. Лекин ўртада севгимизни оташлантириб турадиган бола йўқ.

– Сиқилманг, ҳаммаси олдинда. Умидингизни сўндирманг. Ҳали этак-этак болалар кўрасиз, кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Туйқус Моҳичеҳранинг тоби қочиб, ўзини беҳузур сеза бошлади. Кўз олди қоронғилашиб, ҳушидан кетди. Ҳалиги аёл ҳайдовчига аҳволни тушунтириб, зудлик билан автобусни тўхтатишни илтимос қилди. Шундан сўнг йўловчилардан бир-иккитаси ёрдамга шошилди. Уни автобусдан туширишди. Тоза ҳаво таъсиридами ёки юзига сув сачратишгани сабаблими, Моҳичеҳра ўзига келди.

– Синглим, тузукмисиз, одамни қўрқитвордингиз-ку. Нима бало, бирор дардингиз борми?

– Автобусда ҳаво етишмади, мана бу еримда, – қўли билан қорнини кўрсатди Моҳичеҳра, – кучли оғриқ сездим, шунга...

– Сизни дарҳол шифокор-гинеколог кўригидан ўтказиш зарур. Кўринишингиздан аҳволингиз оғирга ўхшаяпти.



## ОҚ ХАЛАТЛИ ОДАМФУРУШЛАР

Автобус ҳайдовчиси тезда такси тўхтатди. Моҳичеҳрага ҳамроҳ бўлган аёл ҳам таксига ўтирди. Алвон рангли «Матиз» шаҳар ичидаги туғруқхонага бир пасда етиб келди. Бинога кириши билан навбатчи ҳамшира уларни қарши олди. Ҳамшира бемор ҳомиладор эмаслигини, бу ерга бекор олиб келинганлигини айтаётганида, бўлим мудираси Гулжаҳон Саидова келиб қолди. У Моҳичеҳранинг аҳволини кўриб қўйди. Шу пайт шифокор Азиза Маметова келиб 5-палатадаги чақалоқ тинмай йиғлаётганлигидан шикоят қилди.

– Эҳ, ҳозирги ёшларга ҳайрон қоласан. Оқибатини ўйлашмайди, бола туғиб ташлаб кетишади. Норасида эса бизнинг қарамоғимизда қолади, – деб Г. Саидова нолиди. – Ҳозир чиқиб, ўзим қарайман.

– Чақалоқ ташлаб кетишяпти, дедингизми? – Моҳичеҳра қизиқиб термулди.

– Икки ҳафта бурун бир ёш қиз туғиб, боласини ташлаб кетди. Энди чақалоқни нима қилишни билолмай турибман.

– Менга беринг шу чақалоқни, опажон. Менинг фарзандим йўқ. Ўзим боқиб оламан, – деди Моҳичеҳра кўзларини катта-катта қилиб.

– Биласизми, синглим, бунинг иложи йўққу-я, – чайналди Г. Саидова, – лекин бироз харажатидан қочмасангиз, бу масалани ҳал қилиб беришим мумкин.

**– Илтимос, опажон, болани олдириб ташлайлик, – ялинди Нилуфар.**

– Қанақа харажат?

– Биринчидан, сизга ҳомиладор деган ҳужжат олиб бериш керак. Иккинчидан, икки кун туғруқхонамизда ётишингиз, шундан кейин чақалоқни сизнинг фарзандингиз сифатида расмийлаштириш лозим. Учинчидан, шу пайтгача уни боқишга ҳамда тагликларига анча пул кетган. Шуларни ҳисобга олсак.

Бу гапдан сўнг Моҳичеҳра билан ҳамроҳи ҳайрон бўлиб бир-бирига тикилишди.

– Хўш, харажати қанча бўларкан?

– Минг АҚШ доллари бўлади.

– Ахир, бизда бунча пул йўқ. Майли майда-чуйда харажатларини қоплаб берамиз, – Моҳичеҳра ялинганнамо тикилди.

– Кечирасиз, синглим, сиз бозорда эмассиз. Агар сизни бу нарх қониқтирмаса, ана катта кўча, – жеркиб берди Г. Саидова. – Ўзингиз илтимос қилганингизга мен ҳожатингизни чиқарай дегандим.

Моҳичеҳранинг тарвузи қўлтиғидан тушгандек бўшашиб кетди. Шу пайт уни ҳамроҳи четга тортди. Бунга рози бўлмаслигини, бу йўл ноқонуний эканлигини тушунтирди.



## ЁШЛИКНИНГ БЕБОШЛИГИ

Нилуфар Соҳиб билан аҳду паймон қилганига анча бўлди. Ўн олтига эндигина қадам қўяётган ёшлар бир-бирисиз тура олмайдиган ошиқу шайдолардан. Навбатдаги учрашувлардан бирида Соҳиб Нилуфарга бобосининг ҳеч ким яшамайдиган уйига боришини таклиф этди. Қиз ошиғининг таклифини рад этолмади. Ҳаммаси ўша тундан бошланди. Қиз ҳиссиётларини жиловлай олмай, йигитга ўзини бахшида этди. Орадан икки-уч ой ўтиб, Нилуфарнинг ҳомиласи билина бошлади.

– Оббо, шу етмай турганди, – пешонасини тириштирди Соҳиб. – Майли, бўлар иш бўлди, болани олдириб ташлаймиз. Хавотир олма, сенга, албатта, уйланаман, – деди йигит қатъий оҳангда. – Аммо тўй қилиш учун пул керак, тушуняпсанми, пул керак. Бироз маблағ йиғай, кейин бир гап бўлар.

– Мен нима қилай, ахир қорним?..

– Бирор узоқ қариндошингникига бор, одамларнинг кўзидан нари кетсанг бас, – бақирди йигит.

Орадан олти ой ўтди. Нилуфар холасиникига меҳмонга борди. Бир муддат ўша ерда яшаб юрди. Кунлардан бирида ҳомиласи оғриб қолганида, «мен уйга кетяпман» деб чиқиб кетиб, туғруқхонага борди.

Қабулхонадаги ҳамшираларга учрашиб, туғруқ бўйича кимга мурожаат қилиш кераклигини сўради. Улардан бири бўлим мудирининг хонасига бошлади. Г. Саидова қизнинг аҳволини кўриб дарҳол ҳомилани текширишга киришди.

– Илтимос, опажон, болани олдириб ташлайлик, – ялинди Нилуфар.

– Нега бундай деяпсиз? – ҳайрон бўлди Г. Саидова.

– Ҳали турмуш қурганим йўқ, агар буни отам билса, нақ ўлдиради.

– Ахир, ҳомила катталашиб қолган, уни олиб ташлаш мумкин эмас.

– Ўтинаман сиздан, – Нилуфар кўз ёш тўкди.

Г. Саидова қизга «раҳми келиб» касаллик варақаси очди ва палаталардан бирига ётқизди. Шу куни кечқурун қизнинг қорнида оғриқ пайдо бўлди. Тезда уни туғруқхонасига олиб келишди. Г. Саидова ва уч нафар ҳамшира ишга киришди. Ҳали ой-куни етмаган бўлса-да, бола дунёга келди.

Эртаси куни Нилуфар Г. Саидовага бола керак эмаслигини айтиб, уйга кетишга рухсат беришини сўради. Г. Саидова бу ҳақда тилхат ёзиб беришини талаб қилди. Қиз шошиб-пишиб тилхатни ёзиб, чиқиб кетди. Нилуфар уйига бориб, ҳеч нарса бўлмагандек юраверди.

## ХОТИМА

Суд залининг қора курсисида ўтирган икки нафар аёлнинг юзи шувут, бошларини хам қилганча ўтиришарди. Уларнинг иккаласи ҳам илк марта эгнига оқ халатни кияётиб, инсон соғлиғини сақлашга қасамёд қилишган. Бироқ улар қасамёдига содиқ қолмади. Ўз касбига бўлган меҳр эмас, нафсига бўлган мойиллик устунлик қилди. Мурғак чақалоқни сотишдек жиноятга қўл уришди. Шу ўринда «Ахир, улар тирноққа, она бўлишга зор бўлган аёлга қонуний йўл билан болани бериши мумкин эди-ку?» деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бироқ нафси ҳакалак отган инсон учун бундай йўл ёт эканлигига амин бўламиз. Нилуфарнинг қилмишига қандай баҳо берасиз? Албатта, унинг ҳаракатларини ҳам оқлаб бўлмайди. «Ёшлик – бебошлик» деймиз-у, бироқ... Қолаверса, ота-онаси, маҳалла-кўй қаёққа қараган? Қизининг шу аҳволга тушишига биринчи галда яқинлари айбдор эмасми? Наҳотки, қизнинг ким билан учрашишидан, нима билан машғул эканлигидан улар бехабар қолган бўлса?!

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**майор.**

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# САХОВАТ ИШЛАРИГА КАМАРБАСТАМИЗ

**Ички ишлар органлари фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг кўп йиллик хизмат тажрибаси, амалий кўникмаси ва малакасини ёшларга етказиш, қолаверса, ходимларни Ватанга садоқат ва хизмат вазифаларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиляпти.**

Фахрийларимизнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш ишларига вилоят ИИБ пенсия таъминоти, Тиббиёт бўлими ходимлари, шунингдек, жойлардаги шаҳар-туман ИИБ раҳбарияти билан ҳамкорликда доимий эътибор бериб келинмоқда. Тиббиёт бўлими ҳисобида турувчи биринчи гуруҳ ногиронлари ва қандли диабет касаллиги билан ҳисобда турган пенсионерларимиз керакли дори-дармонлар ҳамда карантин шароитида ишлатиладиган шахсий гигиена ва ҳимоя воситалари билан таъминланди.

Айни дамда халқимиз синовли кунларни бошидан кечиряпти. Устига-устак, табиий офат натижасида вилоятимиз кўп талафот кўрди. Етказилган зарарни бартараф этиш ишларига кўпгина ташкилотлар қатори, ички ишлар органлари ходимлари ҳам камарбаста бўлишди. Бошқармамиз шахсий таркиби билан жойларда учрашувлар қилиб, ходимларнинг руҳиятини кўтариш мақсадида ички ишлар органлари фахрийлари ҳамкорлигида суҳбатлар ўтказяпмиз.

**... моддий томондан ёрдамга муҳтож пенсионерлар рўйхати тузилди. Ушбу рўйхатга асосан 120 нафар пенсионерга зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий гигиена ва ҳимоя воситаларидан иборат саховат ёрдами уларнинг уйларига етказиб берилди.**



Ўрганишлар натижасида табиий офат туфайли зарар кўрган ҳамда карантин давридаги ҳолатни юмшатиш мақсадида моддий томондан ёрдамга муҳтож пенсионерлар рўйхати тузилди. Ушбу рўйхатга асосан 120 нафар пенсионерга зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий гигиена ва ҳимоя воситаларидан иборат саховат ёрдами уларнинг уйларига етказиб берилди. Ҳали бу борадаги ишлар давом эттирилади.

**Ҳаёт ШАРИПОВ,**
**вилоят ИИБ бошлиғининг маслаҳатчиси, истеъфодаги полковник.**
*Бухоро вилояти.*

МУНОСАБАТ

# БУ КУНЛАР ЎТКИНЧИ

**Президентимиз куни кеча коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон халқига яна бир бор мурожаат қилди.**



**Азамат ЎРОҚОВ,**
**Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, Ички ишлар вазирлигининг ҳаракатдаги резервидаги полковник.**

Бугун кўзга кўринмас ёв Она сайёрамизни исканжага олмоқда. Бутун инсоният оғир кунларни бошидан ўтказмоқда. Бу офатдан халқимизни асраш мақсадида давлатимиз раҳбари бошчилигида таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Саховат ва кўмак» ҳаракати юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Мазкур ҳаракат маблағлари карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга ёрдам бериш учун ишлатилмоқда. Улар кундалик истеъмол маҳсулотлари, дори воситалари билан таъминланяпти.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ хабарлар барчамизни бирдек хавотирга солмоқда. Аммо бугун ҳукуматимиз томонидан Сиз ва бизнинг соғлиғимиз борасида тизимли ишлар олиб бориляпти. Фақат бундай пайтларда барчамиздан вазминлик мавжуд ҳолатни реал баҳолай олиш ва мутахассислар тавсияларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Жонажон Ватанимиз, оиламиз, фарзандларимиз ва халқимиз олдидаги масъулиятимизни намоён қиладиган айни паллаларда яшамоқдамиз. Бугун коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида бир қатор чекловлар амалга оширилаётгани ҳам аслида халқимиз ва миллатимизнинг эртанги куни учун кўрилаётган муҳим чора-тадбирлар ҳисобланади.

Қачонки, биз мулоқотларни камайтирар эканмиз, касаллик бир одамдан иккинчи одамга юқишининг олдини олган бўламиз. Бу давр ўткинчи. Карантин тадбирларига масъулият билан ёндашайлик. Энг муҳими, сабр-қаноат билан тиббиёт ходимларининг тавсияларига амал қилиш, уйда қолиш орқали ушбу сафарбарлик ишида фаол иштирок этайлик.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ЮКСАК МАРРАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

**Ички ишлар органларида касбига садоқатли, интилувчан, билимли ва шижоатли ёшлар жуда кўп. Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан Элёр Аҳмадалиев ана шундай умидли ёш ходимлардан бири. У ички ишлар органларида 2012 йилдан фаолият юритиб келмоқда.**

– Отам ички ишлар органларида ишлашни бутун умр орзу қилганини кўп айтарди, – дейди қаҳрамонимиз. – Бола қалбимга: «Катта бўлсам, отамнинг орзусини, албатта, мен амалга ошираман», деб эзгу ниятлар тугдим. Йиллар ўтди. Мактабни тамомлаб, ИИВ Академиясига ҳужжат топширмоқчилигим ҳақида отамга айтиб, мени дуо қилишини сўрадим. Ўшанда севинчдан кўзлари порлаб кетганди. Дуолари ижобат бўлиб, ўқишга кирдим, тергов фаолияти мутахассислиги бўйича таҳсил олдим. Фаолиятимни Тошкент вилояти Зангиота туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими терговчиси лавозимидан бошладим. Менга соҳанинг етук мутахассиси, бўлинма бошлиғи, майор Зафаржон Итолмасовни мураббий этиб бириктиришди. Устозимдан тергов қилиш тактикасини, тергов ҳаракати иштирокчилари билан мулоқотга киришиш усулларини, муаммоли ҳолатларга қонуний ечим топишни ўргандим. Фаолиятим давомида босқинчилик, ўғрилик, талончилик ва бошқа жиноятларни фош қилишда фаол иштирок этдим».

Капитан Элёр Аҳмадалиев спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, шахмат турлари билан шуғулланиш учун ҳам вақт топади. Каратэнинг шотокан йўналиши бўйича 1-дан қора белбоғ соҳиби. Кўпгина танловларда фаол иштирок этиб, муваффақиятга эришган. Хусусан, Тошкент вилояти ички ишлар органларида хизмат қилаётган ёш ходимлар ўртасида ўтказилган «Йилнинг энг яхши ёш ички ишлар органлари ходими» кўрик-танловида ҳамда «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг фаол ёш ички ишлар ходими» номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаган. Ёш мутахассисларнинг бешинчи республика форуми доирасида ўтказилган «Энг фаол ёш ички ишлар органи ходими» танлови номинациясида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ҳамда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисининг ташаккурномаси билан тақдирланган. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов бўлинмалари ўртасида ўтказилган «Намунали тергов жамоаси» номинациясида Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси жамоаси номидан қатнашиб, совриндор бўлган. Шунингдек, республика Тергов бўлинмалари терговчилари ўртасида ўтказилган «Намунали терговчи» номинациясида якка тартибда фахрли биринчи ўринни эгаллаган. Бу рўйхатни ҳали яна давом эттириш мумкин. Ўз касбига фидойи, тиришқоқ, тиниб-тинчимас ёш ходим Элёр Аҳмадалиев шу боисдан ҳам жорий йили раҳбарият томонидан муддатидан олдин «капитан» махсус унвони билан рағбатлантирилди.



Йиллар ўтгани, жамият ривожлангани сари ёшлар ҳам ўзгариб бораверади. Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилиб, уларни ҳар томонлама баркамол, фидойи ва ватанпарвар бўлишга ундайди. Дарҳақиқат, ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилса, улар ҳам жамиятнинг ишончли таянчига айланиб бораверади.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

# ПРЕДМЕТ ПОВЫШЕННОЙ ОПАСНОСТИ

**Существует негласный закон драматургии: если в начале пьесы на стене сцены висит ружье, значит, к концу пьесы, оно обязательно выстрелит. Говорят, наша жизнь – театр, а люди в нем – актеры...**

Так, на днях выстрелило ружье, которое хранилось в доме Ахмада Х., проживающего в Ходжаабадском районе. Владелец охотничьего ружья ИЖ-58 МА хранил свой ствол, как установлено, в металлическом шкафу, в доме. Но в тот злополучный день забыл повесить на шкаф замок.

Этим воспользовались внуки. Они открыли металлический ящик, достали разобранное оружие, собрали его, вставили патрон, нажали на курок и произвели выстрел. К счастью, ружье было направлено в потолок. Но пуля срикошетила и попала в плечо родственника, находившегося в комнате. Он был доставлен в районную больницу. После оказания первой медицинской помощи парня отпустили домой.

Для привлечения владельца охотничьего ружья к ответственности собраны необходимые документы. Он нарушил статью 220 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности «Нарушение правил хранения или перевозки огнестрельного оружия и боевых припасов». В настоящее время следственным отделением при Ходжаабадском РОВД проводится доследственная проверка. Теперь Ахмад Х. будет лишен права иметь охотничье оружие.

В эти дни по всей стране, в том числе и в Андижанской области, проходит специальное профилактическое мероприятие «Курол». Проводится проверка условий хранения оружия и боеприпасов владельцами охотничьего оружия, которых в области – более 1 500 человек, ведутся профилактические беседы, незаконно хранящиеся стволы изымаются.

За несколько дней были выявлены 68 охотников, нарушивших установленные сроки регистрации и перерегистрации огнестрельного оружия или правил постановки его на учет в органах внутренних дел при изменении места жительства. Нарушители привлечены к административной ответственности в соответствии со статьей 221 Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан.

В результате профилактических бесед, проводимых с сельскими жителями, гражданин Н. Ш., проживающий в Мархаматском районе, добровольно сдал в органы внутренних дел одноствольное ружье ИЖ-17, доставшееся ему от отца, а гражданин К. М., проживающий в кишлаке Ёркишлок Джалакудукского района, сдал двуствольное охотничье ружье ТОЗ 54-12, доставшееся ему от покойного деда.

Охотничье оружие относится к предметам повышенной опасности. Его владельцы должны быть осведомлены о том, что эксплуатация ружья не по назначению приводит к административной и уголовной ответственности.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**



***На снимке:*** *момент проверки хранения охотничьего оружия.*

**Фото Б. АХУНОВА.**

*Андижанская область.*

## Новости из региона

### Ссора перешла в рукопашную



3 июля текущего года, в 16.30 дня у ворот Областного многопрофильного медицинского центра произошел инцидент.

26-летний житель г. Самарканда Хусан К. хотел вывезти своего отца из больницы на машине, но въезд частных автомобилей на территорию запрещен внутренним распорядком. По этой причине охранник не впустил машину в учреждение. Словесная перепалка перешла в рукопашную.

По заключению судебно-медицинской экспертизы, сторож учреждения, 20-летний Фарход М., и сотрудник медицинского центра Фаррух М., случайно оказавшийся на месте ссоры, в результате драки получили телесные повреждения, а Хусан К. отделался легкими ушибами.

По данному факту в УКД ОВД по г. Самарканду возбудили уголовное дело в отношении Хусана К. согласно ч. 2 ст. 109 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Ведется следствие.

### Нарушители наказаны

В рамках Месячника борьбы с алкоголизмом в области проводятся специальные рейды по выявлению лиц, занимающихся незаконной торговлей спиртными напитками.

Так, с 20 июня текущего года было выявлено 13 подобных случаев, у нарушителей изъято 165,7 литра алкоголя. В отношении 606 человек, которые в нетрезвом состоянии нарушали общественный порядок, были составлены протоколы согласно ч. 1 ст. 187 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности и выписаны штрафы на общую сумму более 30 миллионов сумов.



* * *

В рамках реализации программ «Обод махалла», «Обод куча» и «Обод хонадон» инспектора профилактики проводят на местах беседы с населением и рейды по выявлению нарушителей.

За минувший период текущего года в отношении 867 лиц, нарушивших правила санитарии, гигиены и благоустройства, были оформлены соответствующие административные протоколы. Согласно ст. 161 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, они были оштрафованы на сумму более 195 миллионов сумов.

**Информационная служба**
**УВД Самаркандской области.**

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КОРРУПЦИИ

# ПОЛУЧИЛИ ПО ЗАСЛУГАМ

**Служба государственной безопасности (СГБ) задержала преподавателей сразу нескольких самаркандских вузов, которые брали деньги за поступление у абитуриентов.**



В ходе оперативного мероприятия, проведенного областным управлением СГБ совместно с УВД Самаркандской области, доцент Самаркандского института экономики и сервиса вместе со своим пособником, выполнявшим роль посредника, были задержаны при получении 10 тысяч долларов США за зачисление местного жителя на учебу в данный вуз.

– В 2018 году руководство института уволило этого доцента за допущенные им серьезные нарушения. Однако он обратился в судебные органы, утверждая, что с ним поступили несправедливо. В результате 2 июля текущего года доцент был вновь принят на работу и спустя всего несколько дней совершил должностное преступление.

В момент получения 18 тысяч долларов США за зачисление троих граждан на учебу в Самаркандский государственный медицинский институт был также задержан врач центральной многопрофильной поликлиники Ургутского района Самаркандской области, который пытался провернуть сделку через своих высокопоставленных знакомых, работающих в данном вузе, и его пособник, врач Самаркандского филиала Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи.

По выявленным фактам были возбуждены уголовные дела согласно соответствующим статьям Уголовного кодекса Республики Узбекистан. В рамках следственных действий предпринимаются меры по выявлению других лиц, причастных к данным преступлениям.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

ОЛТИН МЕРОС

# «ЛАЗГИ» – беназир санъат асари


Суратда: «Ниҳол» мукофоти совриндори Дилноза Ортиқова.

**Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раҳбари, ўлкашунос-тадқиқотчи Комилжон Нуржонов билан суҳбат.**

**— Комилжон ака, 2020 йил арафасида ЮНЕСКО томонидан «Лазги» рақси инсониятнинг номоддий мероси сифатида рўйхатга олинди. Бу жараён қандай кечди?**

— «Лазги» – беназир санъат асари. Юртимизда унинг тарихини ўрганиш бўйича катта тадқиқотлар олиб борилган. Марҳум санъатшунос София Собирова, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубовалар бу борада салмоқли ишларни амалга оширган. Шундай бўлса-да, ушбу ноёб асарни жаҳон санъат ихлосмандларига батафсил таништиришни ўз олдимизга мақсад қилган ҳолда изланишдан толмадик. Кейинги беш-олти йил мобайнида унинг ЮНЕСКО томонидан номоддий мерос сифатида рўйхатга олиниши учун зарур ҳужжат ва материаллар тўпладик. Бу борада Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова билан яқиндан ҳамкорлигимиз самарали бўлди. Гавҳар нафақат ажойиб балетмейстр, балки тадқиқотчи-олима ҳамдир. Шу давргача унинг «Офатижон Лазги» китоби ва Ш.Эшжонова билан ҳаммуаллифликда «Лазги» монографияси чоп қилинган. Шунингдек, «Лазги» асари билан боғлиқ иккита фильм-концерт, битта ҳужжатли фильм яратилган.

Тўпланган манбаларни ЮНЕСКОга тақдим қилиш ташаббусимизни халқаро «Олтин мерос» жамғармаси раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди ва яқиндан ёрдам берилди. ЮНЕСКОга «Лазги» билан боғлиқ 300 та сурат, 250 бетлик тавсиф-маълумотнома тақдим қилдик. Нуфузли ташкилот мурожаатимизни деярли уч йил давомида муҳокама қилди. Унинг 2019 йил 19 декабрдаги йиғилиши кун тартибига 44 масала муҳокамаси қўйилган эди. Улар орасида «Лазги»ни рўйхатга олиш масаласи ҳам бор эди. 194 та мамлакат вакиллари бу тенгсиз санъат асаримизга оид материалларни муҳокама қилишди. Асл айнимас, деганларидек, ўзбек халқининг асрлар оша яшаб келаётган ноёб санъат дурдонаси йиғилиш давомида бир овоздан эътироф қилиниб, инсониятнинг номоддий мероси рўйхатига киритилди.

**— Мамлакатимизда «Лазги» ҳақида билмайдиган, уни мириқиб эшитмаган ёки бир марта бўлса ҳам, бу куйга рақсга тушмаган одам бўлмаса керак. Лекин «Лазги» сўзининг қандай маънони англатишидан кўпчилик воқиф эмас...**

— «Лазги» сўзининг этимологияси ҳақида биринчи бўлиб фидойи олим, Хоразм шеваларининг тадқиқотчиси Фаттоҳ Абдуллаев ёзиб қолдирган. Кейинчалик Г.Матёқубованинг изланишлари натижасида ҳам аниқландики, «лазги» сўзи санскритча «raiz» сўзидан олинган бўлиб, «совқотмоқ», «қалтираш», «титроқ» маъноларини англатади. «Лазги» монографиясида шундай ёзилади: «Хоразм (қадимги Хоразм – Э.Б) тилига оид raiz – бирор ниманинг тугаб (масалан: фасл), яна ниманингдир бошланиши», «ниманингдир нимадандир мағлубиятга учраши» каби маънолардадир. Бу маълумотлар Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарининг «Хоразм сўзлари» қисмида ҳам учрайди. «Лазги» хоразмча raiz ўзагига к (г) аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Форс тилидаги «ларза» сўзи «қалтирамоқ» маъносида бўлиб, «реаз» сўзидан олинган. Эрон тиллари гуруҳига кирувчи курд тилида «лаз» сўзи «сакрамоқ», «ўйнамоқ» маъносини билдиради. Қадимий хоразм тили, форс тилининг бир тармоғи бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, тадқиқотчининг фикрларига қўшилмасдан илож йўқ.

**— »Лазги» куйи тарихи ҳақида тўхталсангиз.**

— Бу куйнинг яратилганига 2700 йилдан ошяпти. Геродот ўзининг «Тарих» китобида Окс, яъни Амударёнинг қуйи қисмида яшовчи массагетлар гулхан атрофида айланиб, то чарчагунларига қадар рақс тушишини ёзиб қолдирган. Ортиқ Отажонов куйлаган қўшиқдаги «Олов билан ўйнашади, Ё ўт бўлиб қарашади» деган сатрлар ана шу даврлар эпизодини кўз олдингизда гавдалантиргандек бўлади. «Авесто»шунос М.И.Стеблин-Каменскийнинг фикрига кўра, зардуштийлар китобидаги «гоҳ»лар маълум бир ритмга асосланган ва у куйга солиб ижро қилинган. Ана ўша куй «Лазги» эканига шубҳа йўқ.

Таниқли шарқшунос олимлар Д.Н. Овсянико ва Куликовскийлар рақс ва куй орқали экстаз ҳолатига тушиб, инсоният руҳиятини тозалаш ҳақида ёзадилар: «Қадимда ва бугунги кунимизда экстаз фақат сармаст қилувчи ичимликлар ва таъсирчан қўшиқ, қўшиқ ритми ёрдамидагина эмас, балки рақс, рақснинг ритми ёрдамида, шунингдек, рақснинг асосини ташкил қилувчи айланма ҳаракатлар йўли билан ҳосил бўлади».

Рақсдаги айланма ҳаракат ва хиром бевосита экстазни юзага келтиради. Натижада одам руҳий жиҳатдан енгиллашади, кайфияти кўтарилиб, ғам-андуҳни унутади, гўёки ёшаргандек бўлади. Қадимги ва ҳозирги замон тиббиётида ҳам рақс ва куй инсон дардини, айниқса, стресс, депрессия каби хасталикларни даволаши ҳақида кўп бонг урилган.

**— Маълумки, ислом динида қўшиқ ва рақс санъатига ўзига хос мўътадил муносабат мавжуд. Араблар юртимизни забт этгач, зардуштийлардан мерос кўпгина анъаналар йўқ бўлиб кетган. Бироқ «Лазги»нинг бугунги кунгача яшаб келишига қандай омиллар сабаб бўлган?**

— Ислом дини рақсга тушиш ва қўшиқ куйлашни тақиқламаган, балки ундан нафс йўлида бойлик орттириб, инсонийлик қиёфасини буткул йўқотишни қоралаган. Абу Ҳомид Ғаззолий бу ҳақда жуда ўринли фикрларни билдирган. Ҳазрат Ибн Синонинг севимли шогирди, қомусий олим Ибн Зайла «Китоб ал-кафи фи ал-мусиқа» («Мусиқага оид тўлиқ китоб») асарида рақс санъати, зафн – елка, қош, бош ва тананинг бошқа аъзолари санъати, каррожа – ҳайвон ва қушларга тақлид қилиб ўйнаш санъати ва ат-тасфиқ синоъа – қарсак чалиш санъатларини санаб ўтаркан, буларни маълум бир касалликларни даволашда қўллаш мумкинлигига алоҳида урғу берган.

Тасаввуф таълимотида сўфийларни илоҳий борлиққа яқинлаштирувчи омил сифатида ҳар хил медитациялар, руҳий машқлар, маълум бир дуо ва зикрлар, специфик ҳаракатлар, мусиқа ва рақслардан кенг фойдаланилган. Бу усуллардан мақсад битта: инсон руҳиятини кўтариш, англашнинг янги, юқори поғонаси, яъни ҳақиқат мақомига чиқиш бўлган.

Хоразмда XX асрнинг 50-60 йилларига қадар бозор ва одамлар гавжум жойларда қаландар-дарвешлар «рақсу само» қилиб юрганига бугунги нуронийлар кўп бора гувоҳ бўлишган. Гурланлик шоир Мурод Иброҳим бежиз «Сўнгги дарвеш» шеърини ёзмаган бўлса керак.

Демоқчиманки, сўфий қаландар-дарвешлар «Лазги»нинг яшовчанлигига катта ҳисса қўшган. XX асрнинг 30-йилларига қадар «Лазги»ни фақат эркаклар ижро қилиб келганини инобатга олсак, бу фикрларга шубҳа бўлиши мумкин эмас.

**— Тадқиқотчилар фикрига кўра, «Лазги»нинг 9 тури мавжуд экан. Бугунги кунда эса ёш хонандалар билса-билмаса, «Лазги»монанд қўшиқлар ижро қилишмоқда. Бу асл санъат дурдонасига путур етказмайдими?**

— Ҳақиқатан ҳам «Лазги»нинг 9 тури мавжуд. Буни санъатшунослар эътироф қилишган. Булар ҳақида ўзини санъаткорман деган инсон жуда яхши билиши керак. Ана шу тўққиз турни ўзича ўзлаштириб, бузиб талқин қилиш миллий санъатимизга нисбатан ҳурматсизликдир. Бугунги кунда ёш хонандалар «Лазги» номи билан ижро қилаётган қўшиқлар тури худди бемаза қовуннинг уруғидек, 90 тадан ҳам ошиб кетса керак. Билса-билмаса, моҳиятини англаса-англамаса ҳам, бетакрор «Лазги» куйига ўта мазмунсиз ва саёз шеърлар матнини басталаб ижро қилишаётгани кишининг таъбини хира қилади. Кошки, улар ижро қилаётган «Лазги»чаларда мукаммал санъат асарига хос мазмун ва оҳанрабо бўлса эди...

Узоқ тарихга эга санъат асарига айрим хонандалар беписандлик ва ҳурматсизлик билан муносабатда бўлаётгани кўнгилни хижил қилади. Улар «Лазги» қўшиғини шу даражада бузиб, хато айтишадики, оқибатда мисралардан қандай маъно келиб чиқаётганига ҳам аҳамият беришмайди. Комилжон Отаниёзов куйлаган «Лазги» қўшиғини устоз тарбиясини кўрган шогирдлари: Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов каби санъаткорлар маромига етказиб куйлаб, олқишга сазовор бўлишди.

Бироқ бу таниқли санъаткорлардан кейин етишиб чиққан хонандалар «Лазги» қўшиғини жуда катта қўпол хатолар билан куйлаб юришибди. Афсуски, бундай ижролар юртимизда бўлиб ўтаётган тўю тантана, байрам ва сайилларда, эфирларда бир неча ўн йиллардан буён таниқли, ҳатто юксак унвонларга сазовор бўлган шахслар томонидан содир этилмоқда. Бироқ на бирор адабиётшунос, на бир шоир, ўзини ёш иқтидор эгаларига устозман деб кўкрагига уриб юрган тажрибали санъаткорлар бу борада бир оғиз «ғинг» дейишмаяпти. Ахир дарахтнинг эгри шохларини боғбон тартибга солганидек, ёшлардаги хато ва камчиликларни тажрибали устозлар тўғрилашга кўмаклашишлари керак-ку!

Хуллас, санъаткорлик кишидан пухта адабий билим, сўзларга масъулиятни талаб қилишини нафақат ёш хонандалар, балки эл назарига тушган, беш-олти кўйлакни кўпроқ йиртган санъаткорлар ҳам чуқур англасалар, айни муддао бўлур эди.

**— «Лазги» рақси инсониятнинг номоддий мероси рўйхатига киритилиши айни дамда зиммангизга қандай вазифаларни юклайди?**

— Афсуски, «Лазги»нинг яратилиш, умргузаронлик тарихи, мазмун-моҳиятини ҳали кўпчилик яхши билмайди. Тадқиқотчиларнинг бу борадаги китоблари ҳам жуда кам нусхаларда чоп қилинган. Тарғибот ишлари сифатида 2020 йилда санъат соҳаси муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, ёш хонандалар билан ўқув-тренинглар ташкил қилишни режалаштиряпмиз. Оммавий ахборот воситаларида «Лазги» асарига бағишланган туркум кўрсатувлар тайёрлашга киришганмиз. Ёш санъат ихлосмандлари, ҳаваскор ўлкашунослар ўртасида кўрик-танловлар ўтказиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Фақат бу ташаббусларимиз тегишли ташкилотлар мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланса бўлди.

**Эрпўлат БАХТ суҳбатлашди.**

# BOLAJON SAHIFASI

## PASHSHANING KO'ZI

**Maktabda ota-onalar bilan uchrashuvda edik. Bir ona bolasining kitob o'qimasligidan shikoyat qilib qoldi.**

– O'zingiz kitob o'qimasangiz kerak, – dedim unga. Buni men o'z hayotiy tajribamdan kelib chiqib aytdim. Chunki farzandlarim ham xuddi shu onaxondek nabiralarimning kitob o'qimasligidan shikoyat qilishar, ularga: «O'zlaringiz kitob o'qiysizmi? Nuqul qayoqdagi seriallarni ko'rib o'tirasizlar-ku», desam jim bo'lib qolishardi. Biroq bu ona uyi to'la kitobligini, hatto men o'qib ulgurmagan bir talay kitoblarning nomlarini ham aytib tashladi. Men bo'lsam ziyoli, kitobxon oilaning bolasi, albatta, kitobxon bo'ladi deb yurardim. Bu gaplardan keyin tilim aylanmay qoldi.



– Lekin, – dedi ona, – mening jim bo'lib qolganimni ko'rib, – shunaqangi g'alati savollar beradiki, odamni shoshirib qo'yadi.

– Ajabo, – dedim kulib, – kitob o'qimaydigan bola qanday qilib sizni shoshirib qo'yishi mumkin?

– Ha, shunaqa. Bir kuni nima deydi deng: «Oyijon, nimaga pashshaning ko'zi qizil»mish. Qarang, shu yoshga kirib pashshaning ko'ziga qaramagan ekanman...

Uchrashuvdan qaytayapman-u, xayolim boyagi ayolning gaplarida: «Pashshaning ko'zi qizilmish». Men ham shu yoshga kirib, pashshaning ko'ziga qaramagan ekanman. Rostdan ham qizilmikan? Shu payt tilimga shunday bir olqishlar keldi: «Ey bolakay, biz seni kitob o'qimaydi deb yozg'irib yuribmiz. Sen bo'lsa hech kim o'qimagan narsalarni halitdan o'qiy boshlabsan, umring uzoq, yo'ling nurli bo'lsin!»

**Erkin MALIK.**



## JIRAFA HAQIDA QIZIQARLI MA'LUMOTLAR

✓ Dunyodagi eng baland bo'yli hayvon hisoblanadi.

✓ Uning tanasi o'rtacha ot tanasidan katta emas. 6 metrgacha yetadigan ulkan bo'yi asosan oyoqlar va bo'yniga to'g'ri keladi.

✓ Bo'ynida xuddi odamdagi kabi yettita umurtqa bor. Ular uzun umurtqalar hisoblanadi, shu bois ham u egiluvchan emas.

✓ Jirafa faqat o'simliklar bilan oziqalanadi.

✓ Tilining uzunligi 46 santimetrgacha yetadi. U tilidan shunday mohirlik bilan foydalanadiki, hatto tikanli o'tlarning mayda barglarini ham hech qanday jarohatsiz yulib oladi. Uzun yuqori labi esa yirik barglarni olishga yordam beradi.

✓ Xavfdan ko'plab usullar orqali himoyalanadi. Ayniqsa, daraxt soyasida ovqatlanayotgan payti terisinig rangi uni sezdirmaydi. Eshitish qobiliyati yaxshi rivojlangani bois u hatto eng past tovushlarni ham yaxshi anglaydi, ko'zlari esa nihoyatda o'tkir bo'ladi.

✓ Jirafa soatiga 50 kilometr tezlikda chopa oladi. Agar ta'qib qilinayotganini sezsa, eng chopag'on otdan ham o'zib ketadi.

✓ Hujum qilinsa, u orqa oyoqlari bilan tepib yoki boshidan bolg'a sifatida foydalanib, ajoyib jangchi ekanini namoyon etadi.

✓ Eng qizig'i, hatto hayvonlar shohi – sher ham jirafani ovlashda juda ehtiyotkor bo'ladi.

## BOSHQOTIRMA

**САВОЛЛАР:**

**Savollar:**

1. Qo'rqmas.
2. O'rnak.
3. Cholg'u asbobi nomi.
4. «Qirol sher» multfilmidagi qahramonlardan biri.
5. O'g'il bolalarning ismi.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| b | | | | |
| | b | | | |
| | | b | | |
| | | | b | |
| | | | | b |

Javoblar:
1. Botir.
2. Ibrat.
3. Rubob.
4. Pumba.
5. Turob.

**NUQTALARNI KETMA-KETLIKDA TUTASHTIRING. HOSIL BO'LGAN RASMLARNI RANGLI QALAMLAR YORDAMIDA BO'YANG**





## LABIRINT






## O'QISHNI TAVSIYA QILAMIZ

Aziz bolajonlar! Alohida sayyorada atirgul bilan birga yashaydigan tilla sochli bola haqidagi asar haqida eshitgan bo'lsangiz kerak-a? Balki, bu kitobni oralaringizda ko'pchilik allaqachon mutolaa ham qilib bo'lgandir. «Yangi asr avlodi» nashriyoti tomonidan chop etilgan taniqli fransuz yozuvchisi Antuan de Sent-Ekzyuperi qalamiga mansub «Kichkina shahzoda» kitobi sizga eng yaxshi hamroh bo'lishiga ishonamiz. Afsonaviy ertak-qissa bugungi kunga qadar dunyoning 180 dan ortiq tiliga tarjima qilingan.

**Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.**

ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

# ВО ИМЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЛАГОПОЛУЧИЯ НАСЕЛЕНИЯ



**Call-центр, созданный Управлением Национальной гвардии по Бухарской области и хокимиятом Бухарского района, обеспечивает своевременное реагирование на обращения граждан, поступившие по короткому номеру «1097».**

На вопросы граждан отвечают квалифицированные специалисты и опытные сотрудники. Они дают детальные разъяснения по каждому обращению, принимают меры к оперативному решению возникших у населения проблем.



Большинство заявителей волнуют вопросы, касающиеся электро- и газоснабжения, получения материальной помощи, ремонта внутренних дорог, расширения предпринимательской деятельности. Сформированная рабочая группа на основе поступивших обращений выезжает на места, детально и всесторонне изучает положение дел, оказывает практическую помощь в разрешении проблем, привлекая соответствующие организации и учреждения.

В дни карантина при содействии и координации данного Центра осуществляется доставка нуждающимся в социальной поддержке семьям продуктов питания, лекарств, предметов первой необходимости.

# Поставим заслон коронавирусу

В связи с ростом числа зараженных коронавирусом, в целях предупреждения дальнейшего распространения инфекции среди населения усилены требования карантина.

Посты ДПС в областных центрах, городе Ташкенте и Нукусе, заградительные блокпосты находятся под усиленным контролем сотрудников Национальной гвардии, органов внутренних дел, Министерства обороны, работников Государственной инспекции санитарно-эпидемиологического надзора. Обеспечивается соблюдение установленных правил и требований, качественное проведение дезинфекционных работ.

В столице и Ташкентской области в соответствии с решением Специальной республиканской комиссии созданы штабы из числа представителей министерств и ведомств, ответственных за борьбу с распространением заболевания, и крупных медицинских учреждений, которые контролируют ситуацию в режиме реального времени и принимают меры к оперативному решению возникающих проблем.




Региональные подразделения Национальной гвардии совместно с хокимиятами и ведомствами на местах проводят анализ ситуации, результаты которого учитываются Республиканской комиссией при рассмотрении вопроса усиления либо смягчения карантинных правил в определенных местах.

При соблюдении всех мер предосторожности продолжается деятельность производственных предприятий, оказывается поддержка семейному предпринимательству, людям, потерявшим источник дохода, безработным и нуждающимся слоям населения, рационально используются приусадебные участки граждан и свободные посевные площади.

Компетентные сотрудники региональных подразделений Национальной гвардии изучают условия жизни граждан, помогают решать проблемы, возникающие в период карантина, путем обращения в соответствующие ведомства и организации.

Своевременное рассмотрение обращений граждан, оказание им практической помощи служит общей цели – обеспечению здоровья и спокойствия людей.

# Спасли человека

13 июля текущего года, около 11.00 часов утра военнослужащий войсковой части № 81416 Управления Национальной гвардии по Республике Каракалпакстан сержант Шерзод Холмирзаев вместе с сотрудником Управления охраны рядовым Мирбеком Мамутовым несли службу на улице Узбекистон гузари города Нукуса.

На прилегающем к этой улице железнодорожном мосту они увидели гражданина, который пытался покончить жизнь самоубийством. Гвардейцы направились к нему, спасли незнакомца, оказали ему первую медицинскую помощь и доставили в УКД ОВД города Нукуса.

Психолог провел беседу с этим гражданином, изучил его состояние. Оказалось, что Д. И. решил свести счеты с жизнью из-за неурядиц в семье.



# Злоумышленник задержан

14 июля, примерно в 18.00 часов вечера на пограничном посту «Кувасай-Мархамат», расположенном в Ферганской области, сотрудники областного таможенного управления остановили для проверки автомобиль марки Lacetti. Водитель, не подчинившись требованиям, сорвался с места и уехал. Были приняты меры к задержанию нарушителя.

В результате совместных оперативно-розыскных мероприятий сотрудниками УВД Ферганской области и Национальной гвардии в 21.10 вечера того же дня водитель Lacetti был задержан в махалле Ризо кишлака Логон Ферганского района.

При осмотре в автомобиле было обнаружено 7 840 капсул сильнодействующего вещества «Регапен 300 мг» в 560 конвалютах на общую сумму более 235 миллионов сумов.

Установлено, что злоумышленником является житель города Маргилана О. А., 1997 года рождения.

По данному факту Управлением ГТК по Ферганской области проводятся следственные действия.

**Нозима МАХМУДОВА,**
**старший офицер пресс-службы Национальной гвардии Республики Узбекистан, лейтенант.**

МНЕНИЕ

# БУДЕМ СОБЛЮДАТЬ ПРАВИЛА КАРАНТИНА!



В нашей стране строго соблюдаются установленные правила и нормы, что служит важным фактором предупреждения распространения коронавируса. Под руководством Президента принимаются меры по всесторонней поддержке нуждающихся слоев населения, предупреждению дефицита продовольствия.

Возникшую проблему нельзя решить лишь путем привлечения к ответственности, поэтому среди населения проводится разъяснительная работа по предупреждению распространения инфекции. Наряду с представителями соответствующих организаций профилактические беседы активно проводят сотрудники органов внутренних дел.

Однако, несмотря на проводимую разъяснительную работу, некоторые граждане не соблюдают правила карантина, что приводит к распространению заболевания и различным неприятным ситуациям. Складывающаяся обстановка требует принятия дополнительных мер в борьбе с болезнью.

Хочу напомнить нашим соотечественникам, что необходимо соблюдать все требования санитарной гигиены и карантина. Не следует выходить на улицу без лишней необходимости, нужно воздержаться от приглашения гостей и походов в гости.

Только так мы сможем уберечь здоровье свое, членов семей, близких и окружающих нас людей.

**Оринбай ТУРДАКОВ,**
**советник министра внутренних дел Республики Каракалпакстан, полковник в отставке.**

МЕРОПРИЯТИЕ

**В войсковой части № 7536 (г. Каган) Караульных войск МВД, командиром которой является подполковник Г. Базарбаев, проводятся различные мероприятия. Цель – развитие у военнослужащих высоких моральных и духовных качеств, повышение их уровня культуры, организация содержательного досуга.**



# Главное – командный дух

Недавно в войсковой части состоялась спортивная игра тимбилдинг. За победу боролись три команды. Соревнования прошли в духе острой и бескомпромиссной борьбы. Лучшей была признана команда «Шумкорлар» 1-го батальона. От имени командира войсковой части победители награждены почетной грамотой.

Что представляет из себя тимбилдинг?

Тимбилдинг (team building – построение команды) – игры, квесты, тренинги, обучающие коллектив совместной активной деятельности для достижения общей цели. Направлен на сплочение команды, повышение эффективности ее работы.

В ходе выполнения заданий, нацеленных на создание духа единства, члены команды находят новые точки соприкосновения, укрепляются позитивные взаимоотношения.

Формат проведения тимбилдинга может быть разным: спортивный, исторический, психологический, творческий и др. Все зависит от поставленных целей и задач, пожеланий команды. Главное, чтобы тимбилдинг вызывал у участников положительные эмоции.

**Мухамадали АБЛАКУЛОВ,**
**капитан.**
*Бухарская область.*



БУДНИ УГОЛОВНОГО РОЗЫСКА

# По горячим следам

Жительница 2-го микрорайона г. Андижана Нигора О. обратилась с заявлением в УКД ОВД по г. Андижану. Она сообщила о том, что после нескольких дней отсутствия вернулась домой и обнаружила, что в квартире побывали незваные гости. Они похитили 800 долларов США, ювелирные украшения стоимостью один миллион сумов и сотовый телефон. Сотрудники отделения уголовного розыска ОВД № 6 УКД ОВД г. Андижана в ходе проведенных оперативно-розыскных мероприятий установили, что в доме потерпевшей часто бывала ее подруга, Саида А., проживающая на том же квартале. Она была задержана по подозрению в совершении кражи. В квартире «подруги» был произведен обыск. Интуиция не подвела сыщиков, в шкафу с постельным бельем они обнаружили похищенные ювелирные украшения.

Предприниматель, проживающий в Андижанском районе, обратился за помощью в Андижанский РОВД. Из принадлежащего ему магазина, расположенного на территории «Жахон бозори», неизвестные украли сигареты на сумму 22 миллиона сумов и 2 миллиона 800 тысяч сумов наличных. Это преступление раскрыто по горячим следам. Не раскрывая секретов оперативно-розыскной работы, скажем, что подозреваемый был установлен и задержан в этот же день. Им оказался житель махалли Гулобод, расположенной в Андижанском районе, 35-летний Элдор А. В доме подозреваемого обнаружены похищенные коробки с сигаретами.



Из коровника жителя махалли Обод Асакинского района Дониёра М. ночью был похищен бычок, которого оценили почти в 5 миллионов сумов. Оперативники установили и задержали скотокрада. Им оказался 25-летний Достон О., проживающий в соседней махалле.

Неизвестные, проникнув ночью на нефтеперегонную подстанцию, принадлежащую унитарному предприятию «Андижаннефть», расположенную в Булакбашинском районе, украли четыре электромотора общей стоимостью 15 миллионов 247 тысяч сумов. Подозрение в совершении преступления пало на жителей махалли Нефтчи того же района – Дилёра З., Саида А. и Фахриддина С. Они были задержаны. Как оказалось, был еще один участник преступной группы, Кодиржон М., который на принадлежащей ему автомашине Labo отвез украденные электромоторы в Андижан и продал неизвестному мужчине за 4 миллиона 700 тысяч сумов. В тот же день был установлен покупатель краденых электромоторов. Им оказался частный предприниматель Мансур К. Электродвигатели вернули на нефтеперегонную подстанцию.

Сотрудники подразделений уголовного розыска работают в тесном взаимодействии со следователями, территориальными инспекторами профилактики, экспертами-криминалистами ЭКО, кинологами Кинологической службы УППСиООП УВД Андижанской области.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
*Андижанская область.*

## РАЗЫСКИВАЮТСЯ

### ЗА СОВЕРШЕНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ



**Имонов Ёкубжон Содикжонович,** 1984 года рождения, проживавший по адресу: Ташкентская область, Аккурганский район, село Санам, за совершение преступления, предусмотренного п. «в» ч. 2 ст. 210 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Мусаев Шахзод Баходир угли,** 1995 года рождения, проживавший по адресу: Ташкентская область, Аккурганский район, МСГ «Санам», улица Чинор, дом 16, за совершение преступлений, предусмотренных п. «а» ч. 4 ст. 168, ст.ст. 179 и 189 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Тоиров Шерзодбек Абдухолик угли,** 1979 года рождения, проживавший по адресу: Андижанская область, Мархаматский район, село Корабогиш, за совершение преступления, предусмотренного п. «а» ч. 3 ст. 169 УК Республики Узбекистан.

***Сведения, способствующие розыску, просим сообщить в Ахангаранский РОВД по телефону: (70) 645-15-14 либо в ближайший отдел внутренних дел.***

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ТАНИШ ТАЛОНЧИ



**Ҳаётда шундай инсонлар бор: битта насиҳат билан қилган ишининг нотўғри эканлигини англаб етади. Қайта эгри йўлдан юрмайди. Яна шундайлар борки, уларга «сен яхши иш қилмаяпсан, бу йўлнинг охири вой», дея насиҳат қилишингиз бефойда. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, бундай кимсалар ёмон одатларини канда қилишмайди. Яна бир тоифа кишилар борки, уларни озодликдан маҳрум этиш ҳар доим ҳам яхши натижа беравермайди. У ёқдан қайтангга «етук мутахассис» бўлиб чиқишади. Ўғри бўлса, яна ўғриликка қўл уради, фирибгари эса одамларни чув туширишнинг янги йўлларини ишга солади.**

Тошкент шаҳрида яшовчи 25 ёшли Аъзам Нодиров (исм-шарифлар ўзгартирилди) юқорида қайд этилган тоифаларнинг қай бирига тааллуқли экани ҳозирча номаълум. Ҳаркалай, суд унинг «қайтиб бундай ишлар қилмайман» деган сўзларига ишонди, яна бир бор имкон берди. Айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлиги, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, енгилроқ жазога лойиқ кўрди. Унга уч йилдан ошиқроқ муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Хўш, Аъзам қандай қилмиши учун бундай жазога тортилди?

Гап шундаки, икки кун ичида ички ишлар органи навбатчилик қисмига бир туманнинг битта ҳудудидан икки фуқародан талончилик жинояти юзасидан мурожаат келиб тушди. Бир мурожаатда қимматбаҳо уяли телефон аппарати тортиб олинган, бошқа ҳолатда эса талончи аёлнинг тилла занжирини юлиб қочган. Бу икки ҳолатнинг қандай ўхшашлиги, яқинлиги бор, дейишингиз мумкин. Буни қарангки, бу икки ҳуқуқбузарликни ҳам бир киши содир этган экан. Яна бир ҳам ажабланарлиси, ушбу талончи телефонини олдириб қўйган шахснинг таниши бўлган.

**Биринчи воқеа:** кундуз куни соат учларда кўчада кетаётган Аъзам таниши Воҳидни учратиб қолди. Салом-аликдан кейин у кимгадир қўнғироқ қилиб олиши учун Воҳиднинг уяли телефонини сўради. Олдиндан уни билгани учун ҳеч бир эътирозсиз телефонини берди. Лекин Аъзам кимгадир қўнғироқ қилмади, балки...

– Бироз пул керак бўлиб қолди, бериб тур, – деди Аъзам киприк қоқмай.

– Узр, ҳозир пулим йўқ эди. Бўлганда бажонидил берардим.

– Шунақами? Унда қачон пул топсанг шунда телефонингни оласан. Пул топсанг топдинг, бўлмаса, у билан хайрлашавер, сотиб юбораман.

– Унақа қилманг, Аъзам ака. Телефон менга керак...

Лекин Аъзам уни эшитмади. Телефон аппаратини олди-ю, кетди.

**Иккинчи воқеа:** эрталабки соат тахминан саккизлар атрофида ишхонаси томон кетаётган Муҳайё Шарипова талончи ҳужумига учради. Осмондан тушгандек пайдо бўлган нотаниш кимса унинг бўйнидан 2 миллион 400 минг сўмлик тилла занжирни юлиб олиб, шарпадек кўздан йўқолди. Жабрланувчи на унинг юзини кўролди, на кийимларини. Дод-вой қилганча бақириб қолаверди.

Муҳайёнинг мурожаатидан сўнг талончини аниқлаш, жиноятни фош этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрилди. Натижада ҳуқуқбузар ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари олиб борилди. Етказилган зарар қопланди, ҳуқуқбузар жабрланувчилардан кечирим сўради. Судда иш атрофлича кўрилиб, маълум қарор чиқарилди.

Энг муҳими, озодликни чеклаш Аъзамга қанчалик наф беришида. Бу вақт оралиғида у етарли хулоса чиқариб оладими ёки шу муддат ичида яна... Хуллас, ҳаммасини вақт кўрсатади.

**Акром АРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди катта консультанти.**

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Тошкент шаҳри.*

## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Жиноят содир этиб, суд ва тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда:**



**Тўхтаназар Қулдошевич Маҳанов.** 1960 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Шижоат маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Амангелди Нургазиевич Ермекбаев.** 1986 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Шижоат маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Владимир Ким.** 1984 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Аҳмад Яссавий маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Серикбай Жўрабаевич Сапаров.** 1961 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Шодлик маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Суннат Оролбекович Каппасинов.** 1985 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Гулистон маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Жиенбай Усипбекович Устемиров.** 1973 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Жумабозор маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми ва бошқа моддаларда кўрсатилган жиноятларни содир этган.

* * *



**Дилфуза Абдуалимовна Саидова.** 1987 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Чумчуқжар маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244[1]-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Шуҳратжон Тўлаганович Жалилов.** 1979 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Чумчуқжар маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Саидқосим Аскарович Акбаров.** 1982 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Марказий маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 273-моддаси 5-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Александр Вилорьевич Дё.** 1975 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Истиқлол маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Ўринқул Ҳайитқулов.** 1942 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Гулобод маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

* * *



**Исломхўжа Турсунхўжаевич Бойхўжаев.** 1973 йилда туғилган. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Файзобод маҳалласида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244[1]-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билган фуқаролардан Юқоричирчиқ тумани ИИБнинг 70-920-28-89, 70-983-37-00 телефон рақамларига қўнғироқ қилишларини ёки яқин орадаги ички ишлар органига хабар беришларини сўраймиз.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# ЎЗИМИЗНИ АСРАЙЛИК!



**Маълумки, коронавирус инфекцияси хавфи кескин ортиб, юртимизда вазият мураккаблашгани сабабли карантин чоралари кучайтирилди. Мана шу даврни қатъий тартиб-интизом билан, барча тавсияларга амал қилиб, санитария-гигиена қоидаларига риоя этган ҳолда ўтказсак, ушбу касаллик кўрсаткичлари аста-секин камайиши, шубҳасиз. Ваҳимага тушмай, баҳамжиҳат ҳаракат қилсак, ўзимизни, оила аъзоларимиз ва яқинларимизни асрасак, бу билан бутун жамиятни ҳам асраган бўламиз.**



Бугунги кунда иситма чиқиши, йўтал, танада оғриқ кузатилаётган юртдошларимиз қандай йўл тутишни билмай жонлари ҳалак. Агар сизда касаллик аломатлари сезилаётган бўлса, биринчи навбатда, ҳудудий поликлиникага мурожаат этишингиз лозим. Айни дамда ҳар бир поликлиникада эпид гуруҳлари тузилган бўлиб, унинг таркибига оилавий шифокор, инфекционист, эпидемиолог киритилган. Фуқаро мурожаатидан сўнг улар жойига бориб вазиятни ўрганади, хулоса қилади ва беморни уйда даволаниш учун қолдириш ёки касалликнинг оғирлигига қараб касалхонага ётқизиш масаласини ҳал қилади. Бундан ташқари, ҳар бир фуқаро 1003 телефон рақами ёки Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича ташкил этилган 1105 рақами орқали Call-марказга мурожаат этиши мумкин.

Жорий йил 5 июлдан эътиборан коронавирус инфекцияси аниқланган, бироқ ҳеч қандай аломатлар (тана ҳарорати кўтарилиши, йўтал, оғриқ) кузатилмаган беморларни амбулатор шароитда, яъни ўз хонадонида даволаш амалиёти йўлга қўйилди. 65 ёшдан ошган, бошқа сурункали хасталиклар билан оғриган беморлар бундан мустасно (уларда ҳеч қандай аломатлар сезилмаса ҳам). COVID-19 вируси аниқланган, лекин ўзида ҳеч қандай ўзгаришлар сезмаган беморлар 10 кун давомида шифокорлар назоратида бўлади ва керакли тавсияларни олиб туришади. Бунда риоя этиш зарур бўлган тегишли тавсиялар мавжуд.



Уларга асосан симптоматик дори воситалари, яъни иссиғи кўтарилса, иситма туширувчи дори, йўтал ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлса, антибиотик ёки вирусга қарши дори-дармонлар буюрилади. Бундан ташқари, бундай беморларга Д3, Д, С витаминлари, таркибида рух, магний ва селен моддалари бўлган витаминлар ичиш, бурун ва томоқни тузли илиқ эритма билан тез-тез чайиб туриш тавсия этилади. Улар ўз ҳолатини доимий равишда назорат қилиб туриши лозим. Негаки, бу касаллик енгил кечиб, кейин бирдан оғир ҳолатга ўтиб қолиши мумкин. Шунинг учун мазкур вирус аломатлари сезилса, иситма кўтарилиши, кучли йўтал кузатилса, нафас олиш қийинлашса, дарҳол тез ёрдамга мурожаат қилиш зарур.

Бундан ташқари, вирусли инфекцияларда иситмани тушириш, яллиғланиш жараёнларини сусайтириш мақсадида наъматак дамламаси, чучукмия (ширинмия) илдизи қайнатмаси, мойчечак, маврак (шалфей) япроқлари, тирновул ўти дамламалари ҳам халқ табобатида кенг қўлланилади.

Айни дамда одамлар интернет тармоқларида айланиб юрган рецептлар бўйича ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган ҳолда, турли дори воситаларини қабул қилишмоқда. Шуни унутмаслик керакки, нафақат тождор вирус, балки ҳар қандай касаллик турида шифокор билан маслаҳатлашмай, ўзбошимчалик билан даволаниш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳар қандай хасталикдан даволаниш жараёни фақат шифокор тавсияси билан амалга оширилиши керак. Негаки, ҳар бир шахснинг организми ўзига хос бўлиб, битта дори воситаси ҳар кимга турлича таъсир кўрсатиши, инсонда у ёки бу сурункали касалликлар бўлиши мумкин. Шунинг учун бир касалликдан қутуламан деб, бошқа кўплаб турларини орттириб олманг.

**Вирусларга қарши курашишнинг энг самарали усулларидан бири иммунитетни кучайтиришдир.**

Шуни ҳисобга олган ҳолда, биринчи галда, организмнинг вирусли инфекцияларга қарши ҳимоясини кучайтириш лозим. Бунинг учун организм учун фойдали моддалар, витаминлар ва оқсилларга бой таомларни истеъмол қилиш, кўпроқ суюқлик ичиш зарур. Эрта тонгни бадантарбия билан бошланг, қон айланишини яхшилаш учун серҳаракат бўлинг.



- ✓ ***Уйда даволанаётган беморни бошқа оила аъзоларидан яккалатиш ҳамда у ишлатадиган идиш-товоқ, сочиқ ва кўрпа-тўшакни алоҳида қилиш керак. У фойдаланган буюмларни 60°C ҳароратли сувда яхшилаб ювиш ва хлорли сувда чайиш зарур.***
- ✓ ***Ушбу хонадонга оила аъзоларидан ташқари, бошқаларнинг кириб-чиқиши чекланиши керак.***
- ✓ ***Шифокор тавсияларига тўлиқ амал қилиш муҳимдир.***
- ✓ ***Тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилган ҳолда, кунига 5 марта тамадди қилиш лозим. Айниқса, янги сабзавотлардан тайёрланган суюқ овқат, танага куч-қувват бахш этувчи турли таомлар, сут маҳсулотлари, кўкатлар, витаминларга бой сархил меваларни кўпроқ истеъмол қилиш зарур. Ярим тайёр овқатлар, шўр, аччиқ ва ёғли егуликлардан узоқроқ турган маъқул.***
- ✓ ***Кун давомида камида 4–5 литр илиқ ҳолдаги суюқлик (масалан, лимонли, занжабилли, қоқили чой, минерал сув, компот) ичиш керак. Бу организмнинг вирусдан заҳарланишини камайтириб, қон қуйилиб қолишининг олдини олади. Муздек ҳамда газли ичимликлар қатъиян ман этилади.***
- ✓ ***Бу тоифадаги бемор уй ичида бўлишига қарамай, ниқоб тақиши, унга хизмат кўрсатаётган қариндошлари ҳам ҳимоя ва антисептик воситалардан фойдаланиши шарт.***
- ✓ ***Бемор тез-тез қўлини совунлаб ювиши, кунига 2 маротаба илиқ душ қабул қилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.***
- ✓ ***Бемор ётган хона ҳар 2–3 соатда шамоллатиб турилиши, таркибида дезинфекция воситалари бўлган сув билан тозалаш ишлари тез-тез амалга оширилиши лозим.***
- ✓ ***Беморнинг оила аъзолари ҳам яшаш жойи бўйича карантинга олинади, улар кунига икки марта тана ҳароратини текшириб туриши зарур.***
- ✓ ***Касаллиги аломатсиз ёки енгил кечаётган беморларга махсус дори воситалари буюрилмайди.***

**«Postda» мухбири Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Ахборот хизмати катта мутахассиси, подполковник
**Зойир САЙДАЛИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

ИИВ Марказий госпитали раҳбарияти ва шахсий таркиби госпиталь шифокор-жарроҳи
**Қобилжон ШОНАЗАРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ИИВ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси истеъфодаги полковник Ўктам Эгамович Умаровга волидаи муҳтарамаси
**ЎҒИЛОЙ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ фахрийси, истеъфодаги подполковник Фарҳод Жўраевга ўғли
**РУСТАМЖОНнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЗДОРОВЬЕ

# Лечебные свойства хозяйственного мыла



**Эти коричневые брусочки и сейчас дадут фору новинкам бытовой химии. Хозяйственное мыло при копеечной стоимости – просто незаменимый продукт! Судите сами.**



Его используют **для профилактики грибковых заболеваний**. Пораженные места ног следует промыть мылом, основательно потерев их щеткой, дать высохнуть и обработать кожу йодом.

Обычно **на место ушиба** рекомендуют накладывать лед, но если намыливать его хозяйственным мылом, то синяка не будет.

Смесь хозяйственного мыла с луком и сахаром избавит **от нарыва**. Для этого натираем немного мыла и лука, все смешиваем с сахаром и наносим на ночь на нарыв. Это поможет очистить рану.

**Для дезинфекции зубных щеток, расчесок, мочалок** хорошо на ночь намылить их, а потом тщательно промыть. Делайте это периодически.

**Небольшие ранки, царапины, укусы хорошо заживают,** если предварительно промыть их водой, а потом намылить мылом.

Чтобы избежать раздражения **при бритье или депиляции**, не обязательно покупать дорогие кремы и гели. Достаточно один раз после процедуры намылить кожу хозяйственным мылом.

**При ожоге** сразу намыльте пострадавший участок хозяйственным мылом и дайте подсохнуть. Не будет не только пузырей, но и покраснений.

Перед выходом на улицу **в разгар эпидемии** можно промыть нос слабым мыльным раствором. Хорошо это сделать при первых признаках болезни, в носу немного пощиплет, но инфекция угаснет.





## Вот так выглядит отпечаток руки на чашке Петри – лабораторном сосуде

* Каждый отдельный кружочек – это колония бактерий или грибов.

* Не пугайтесь, потому что в норме наши руки заселены нашими собственными бактериями, которые не дают размножаться вредным и плохим бактериям.

* Но мыть руки после улицы, контактов с сильно загрязненными поверхностями (телефон, пульт от телевизора) и туалета нужно обязательно!

# Секрет долголетия

**Эта методика позволяет улучшить кровоток, предотвратить закупорку вен, нормализовать давление и улучшить работу мозга, чтобы от тяжести и боли в голове не осталось и следа.**



Встаньте прямо, стопы соедините, зубы сожмите. Приподнимите пятки на 3–5 см от пола, затем резко опустите. В результате возникшего встряхивания венозные клапаны получают дополнительный импульс для проталкивания крови вверх.

Делайте по 30 заходов этого упражнения 5 раз в день, и о болезнях и мысли не возникнет! Выполняйте упражнение не спеша: 1 сотрясение в секунду.

Такая гимнастика особенно полезна людям, которые вынуждены подолгу стоять или сидеть на работе, а также тем, кому запрещены бег или быстрая ходьба.

Встряска организма – эффективная профилактика тромбофлебита, инфаркта миокарда и инсульта.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

# ПРОДУКТЫ, КОТОРЫЕ НЕЛЬЗЯ ЕСТЬ В СЫРОМ ВИДЕ

**Все знают, что нужно избегать сырого мяса, но есть и другие продукты, которые можно есть только после термообработки.**

### Фасоль



Красная фасоль – источник белка, клетчатки и антиоксидантов, если не есть ее сырой. В этом случае можно нанести вред желудку. В продукте есть токсин фитогемагглютинин, вызывающий пищевое отравление. Убедитесь, что фасоль варилась не меньше 40 минут, перед тем как подать ее на стол.

### Косточки яблок, манго, груш, персиков, абрикосов



Не все из них мы едим, но семечки свежих яблок кто-то периодически употребляет, считая их полезными. Между тем в их составе есть вещество, которое в желудке превращается в синильную кислоту. Не волнуйтесь, от пары семечек ничего не случится, но вот налегать не стоит.

### Молоко



Под сырым молоком подразумевается свежее, без обработки. Пастеризация убивает кишечную палочку и сальмонеллы, которые могут в нем встречаться. Согласно статистике, сырое молоко вызывает пищевые отравления в 150 раз чаще других продуктов.

### Картофель



Употребление недоваренного картофеля чревато вздутием кишечника. Он содержит крахмал, который плохо переваривается. Если же картофель долго хранился и его кожура покрылась зелеными пятнами, такой лучше вовсе не употреблять. В нем образовался соланин, который может вызвать отравление, а в худшем случае – остановку сердца.

### Мясо и птица



Недоваренные говядина, курица и индейка очень опасны. В мясе сырой птицы часто находят бактерию кампилобактер, которая является одной из возбудителей диареи и вызывает гастроэнтерит (инфекционное заболевание желудка). Также оно может содержать сальмонеллы, кишечную палочку и другие опасные бактерии.

### Сосиски



Почему-то некоторые люди едят сосиски сырыми, максимум подогревая в микроволновке. Но ряд исследований показал, что в этом продукте могут содержаться листерии – патогенные бактерии, способные вызвать менингит, энцефалит и спровоцировать выкидыш у беременных. Убить их может только тщательная температурная обработка, например, варка.

### Пророщенные зерна



Считается, что в пророщенных зернах и самих ростках масса витаминов и пользы. Но многие ростки содержат вредные бактерии (кишечную палочку, сальмонеллу). Тем более что их выращивают в условиях высокой влажности, где те активно размножаются. Самые безопасные – ростки пшеницы и кукурузы, но даже их лучше кипятить перед употреблением.

**Подготовлено по материалам интернета.**

АКТУАЛЬНО

# НЕСКОЛЬКО ПРИНЦИПОВ РАЗВИТИЯ И ВОСПИТАНИЯ РЕБЕНКА ОТ МАРИИ МОНТЕССОРИ

**Выдающийся итальянский ученый, врач-антрополог, философ, психиатр и психолог, педагог-гуманист Мария Монтессори (1870 – 1952) снискала мировую известность своей уникальной и действенной системой воспитания и обучения маленьких детей.**

**Феномен педагогики Монтессори заключается в ее безграничной вере в природу ребенка, в ее стремлении исключить какое-либо авторитарное давление на развивающегося человека.**





Первые шесть лет жизни самые важные для обучения ребенка.

* * *

Не каждый учитель становится родителем, но каждый родитель должен быть учителем.

* * *

Не направляйте своих детей, а следуйте за ними.

* * *

Разговаривайте и пойте ему с рождения. Песенки и колыбельные становятся укоренившимися воспоминаниями раннего детства.

* * *

Если ребенок сломал игрушку, не выбрасывайте ее, попробуйте починить и превратите починку в увлекательную игру.

* * *

Ошибки – хороший способ показать, как выполнять то или иное действие правильно и решать возникшие проблемы. Позволяйте детям ошибаться, так они учатся.

* * *

Дети не знают, как справляться со всем, что делают взрослые, и часто кажется, что проще все сделать самому. Но если создать правильную обстановку и терпеливо учить ребенка шаг за шагом, вы обучите его новым навыкам и сформируете отношение к труду.

* * *

Малыши мечтают быть частью взрослого мира. Труд нравится так же, как игра, если детям разрешают им заниматься.

* * *

Конечно, дети во многом отличаются от взрослых, но каждый из них – маленькая личность, которая с нами рядом и запоминает на глубинном уровне все картинки, звуки, запахи и прикосновения. Когда мы это понимаем, то более осознанно подходим к тому, какое впечатление производят на ребенка наши действия и слова.

* * *

Малыш воспринимает мир с высоты своего роста. Старайтесь смотреть на мир его глазами, и вы научитесь удивляться всему на свете.



* * *

Никакая книга о природе с красивыми картинками и интересными фактами не заменит радости от изучения живой природы.





# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

## (с 27 июля по 2 августа)

**Овен.** Не пытайтесь навести порядок в финансах и личной жизни. Подумайте об основных задачах на ближайшее будущее, настройтесь на позитив – тем самым вы заложите фундамент своих побед. Постарайтесь спланировать важные дела на несколько месяцев вперед. Поддерживайте себя в тонусе.

**Телец.** Идеальная неделя для выхода на новую работу. Возможно интересное предложение от зарубежных партнеров. Если у вас неожиданно окажется крупная сумма денег, советуем поскорее приобрести недвижимость, автомобиль или компьютер.

**Близнецы.** Ваши старания не напрасны! Вероятны получение крупной денежной суммы или интересные деловые предложения. Для того чтобы голова не закружилась от успехов, советуем расслабиться: для Близнецов это гораздо лучше, чем жизнь в вечном стрессе.

**Рак.** Появится шанс расквитаться с долгами, решить проблемы, которые не давали вам спать спокойно. Постарайтесь пообщаться со старыми друзьями – это будет и полезно, и очень приятно. Общение с искусством подарит вам заряд позитивной энергии и массу ярких впечатлений.

**Лев.** Очень напряженный период – но это правильное, конструктивное напряжение. Сейчас представится возможность наладить отношения с самыми непростыми людьми в вашей судьбе. Готовьтесь принять шквал предложений о сотрудничестве. Но сначала завершите все старые дела.

**Дева.** Помните: деньги идут к деньгам. Не спешите потратить все, что заработали, откройте «кубышку» – она станет гарантом финансового благополучия. Самое время заняться собой, здоровьем и внешним видом.

**Весы.** Роскошное время для романтиков. Рискуйте, но не теряйте голову! Не сорите деньгами, помните, что они любят счет. Имейте ввиду: может произойти очень важное событие – либо на работе, либо в личной жизни.

**Скорпион.** Удачное время для продвижения проектов, начатых давным-давно. Вам окажут покровительство, протекцию. Соглашайтесь на любые деловые встречи и совещания. В выходные можете позволить себе отдых.

**Стрелец.** Неделя предельного напряжения. Последний рывок – и вы у цели. Позаботьтесь о себе, хорошенько отдохните и восстановите силы после трудного периода. Выходные проведите с детьми, которые требуют вашего внимания.

**Козерог.** Неделя благоприятна для работы с недвижимостью – ремонта, продажи, покупки, сдачи внаем. Но при условии, что вы стараетесь ради благополучия всей семьи. Возобновится давно утерянный контакт, который достаточно скоро может перерасти в деловое сотрудничество.

**Водолей.** Займитесь юридическими делами, проверьте срок действия документов (паспортов, виз, прав на авто и так далее) – где-то в этих бумажках кроется подвох. Больше внимания любимым. Поинтересуйтесь, как складываются дела у детей, чтобы не упустить ничего важного.

**Рыбы.** С этой недели ваше финансовое положение станет более прочным и стабильным. Таким же будет ваше психологическое состояние. Попытайтесь найти общий язык с любимым человеком, решить все проблемы, уладить разногласия.




## Кулги умрни узайтиради

Диванда футбол кўриб ётган отасига ўғли дебди:

— Адажон, ширин чой ичаман...

Отаси айёрлик ишлатмоқчи бўлиб:

— Мен ҳам ичаман... Кел, мен сенга тайёрлайман, сен эса менга, – дебди.

Ўғли ширин чой кўтариб келиб:

— Адажон, мана чойингиз! Меники қани? – деса, отаси:

— Ичгим келмай қолди, шуни ўзинг ичавер, – дермиш.

* * *

Ёш қиз «101» рақамига қўнғироқ қилиб дебди:

— Алло, бу ёнғин ўчириш хизматими?

— Ҳа, гапиринг!

— Мен 5-қаватда яшайман. Уйимга бир йигит чиқишга ҳаракат қиляпти...

— Унда сиз «102» га қўнғироқ қилишингиз керак!

— Қўнғироқ қилдим. Уларда нарвон йўқ экан-да!!!

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Ўткир Ҳошимов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



### ЁШЛИК. СОҒЛИҚ. ТИНЧЛИК

Одам учта нарсанинг қадрини доим кечикиб билади. Ёшлик. Соғлиқ. Тинчлик.

* * *

Дўстни хўрлаш – гуноҳ. Умр йўлдошини хўрлаш – юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш – минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш – чексиз гуноҳ...

* * *

Иш кўплигию вақт йўқлигидан нолиманг. Вақт кўплигию иш йўқлигидан қўрқинг. Одамни абгор қиладиган нарса – бекорчилик.

* * *

Ҳатто булбул ҳам бола очганидан кейин сайрашни бас қилиб, полапонларига емиш ташийди.

* * *

Эрталаб турганингда, кундузи юрганингда, кечаси ухлаганингда, ҳеч қаеринг оғримаса шунинг ўзи бахт!

* * *

Ақл билан мансабга эришиш мумкин. Мансаб билан ақлга эришиб бўлмайди.

* * *

Дунёда мукаммал нарса йўқ. Ҳатто Муҳаббат деб аталмиш олий туйғуда ҳам адолатсизлик бор. Ким қаттиқроқ севса, ўша кўпроқ изтироб чекади.

* * *

Инсоннинг баҳоси бу дунёда ўзи олгани билан эмас, ўзидан қолгани билан белгиланади.

Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир тарқатиладиган хазина бор. Бу – Она меҳри!



## УЧ САВОЛ...

**1. Осиё қитъасидаги энг йирик ярим ороллнинг номи нима? Майдони қанча?**



**2. Франциядаги энг йирик кутубхона қайси? Унда қанча асар бор?**



**3. Дунё океани ва денгизлари суви таркибидаги қайси элемент ҳаётни таъминлайди?**



## БОШҚОТИРМА

**Автомобиль турган қаторнинг тартиб рақамини топинг**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 16 | 06 | 68 | 88 | [автомобиль] | 98 |

## ЙЎҒ-Е!



### АСАББУЗАР ЕГУЛИК

Испаниялик олимлар инсон руҳиятига салбий таъсир этиб, асабийлашишига, ҳатто депрессия ҳолатига тушишига сабаб бўладиган маҳсулотларнинг «қора» рўйхатини тузиб чиқишди.

Ушбу рўйхатга ход-дог, гамбургер, лаваш, торт, пирог, турли ширин пишириқлар, конфет ва шоколадлар киритилган.

## КАРАНТИН ТАБАССУМИ




Рассом: Хусан СОДИҚОВ.

Саҳифа материалларини Гулноза ТУРҒУНБОЕВА тайёрлади.



**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Katta leytenant
Mixli SAFAROV
Dinara SHOMUHAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4248.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 650 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.